Навоий давлат кончилик институти битирувчилари сонининг ўзгариши, киши

№	Йўналишлар номи	2000 йил		2001 йил		2002 йил		2003 йил	
		Жами	Шу жумлн шартнома асосида	жами	Шу жумл-н шарт-нома асосида	жами	Шу жумл-н шартнома асосида	жами	Шу жумл-н шарт-нома асосида
1	Кончилик иши	123	23	141	70	71	31	85	40
2	Металлургия	53	5	58	20	45	15	43	11
3	Технологик машиналар ва жиҳозлар	40	12	59	33	38	18	47	23
4	Автоматлаштириш ва бошқарув	42	11	50	32	37	18	44	26
5	Электроэнергетика	48	33	46	32	21	8	32	19
6	Қурилиш	22	8	65	30	46	26	0	0
7	Кимёвий биотехнология	47	23	49	24	25	7	32	14
8	Менежмент	23	10	51	35	38	24	28	18
9	КПТ Электроэнергетика	0	0	0	0	0	0	28	12
9	Сиртқи бўлим	114	8	84	84	77	56	129	80
10	Институт бўйича, жами	512	133	603	360	398	203	468	243

ҳамкорликда Олий касб таълимнинг мос йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабалар амалиётини ўтказиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, илғор корхона ва муассасаларни аниқлаб, улар билан шартномалар тузилган.

12. Корхоналар ходимларини қайта тайёрлаш ва

14. Корхона, муассаса, ташкилотлар, жисмоний шахслар билан мутахассислар тайёрлаш бўйича шартномаларни расмийлаштириш, ҳамда тўлов контракт асосида ўқиётган талабаларни ўз вақтида маблағларни тўлашни назорат этиш маркетинг бўлимида яхши йўлга қўйилган.

НавДКИ битирувчилари сонининг ўзгариши диаграммалари



малакасини оширишга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, тадбирлар ишлаб чиқиш ва бу ишни ташкил этиш, улар билан биргаликда республика ижтимоий инфратузулмаси ва иқтисодиётининг устувор йўналишлари учун тайёрланаётган мутахассисларнинг сифатини ошириш муаммолари ечилмоқда.

13. Халқаро ҳамкорликда хорижнинг илғор ўқув, илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан қўшма шартномалар тузиш ва бажариш, шу жумла-

Навоий Давлат кончилик институти Маркетинг хизмати бўлимининг асосий фаолияти институтда таълим хизматларини ривожлантириш, ёш мутахассисларга бўлган талабини ўрганиш ва бюджетдан ташқари тушумларни кўпайтириш, институт билан корхона ўртасида алоқаларни ривожлантириш мақсадига йўналтирилган. Бу борада ўтган йиллар мобайнида сезиларли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Навоий вилоятида жойлашган йирик корхоналарнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган талаблари ўрганилиб, институтда янги йўналишлар очиш ва аксинча талаб бўлмаганларини қисқартириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилди. Энди 2000-2002 йиллари ўтказилган ана шу тадқиқотлар натижалари таҳлиliga тўхталиб ўтамыз.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бир қатор ташкилотларнинг олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик даражаси анча юқори бўлишига қарамасдан баъзи бирлари паст

(«Навоийазот» да муҳандис-механиклар – 66%, «Қизилқумцемент»да муҳандис-электриклар – 80%, айниқса «Электрокимёзаводи»да кўрсатилган барча мутахассисликлар атиги 14-44%) даражада таъминланганлиги ва ана шундай мутахассис кадрларга бўлган талаб даражасининг юқорилиги аён бўлади.

Бундан ташқари, ушбу ташкилотларда нафақа ёшида, вақтинчалик ёки олий маълумотга эга бўлмасдан ишлаётган кадрларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг яқин келажакда (4-5 йил ичида) олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган талабининг ўзгариши тўғрисидаги маркетинг маълумотлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал маълумотлари Навоий давлат кончили институтининг «Маркетинг хизмати» бўлими томонидан ўтказилган маркетинг тадқиқоти натижалари асосида аниқланиб, ушбу маълумотларга кўра вилоят ташкилотларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжига мувофиқ келадиган таклиф, яъни институт базасида ана шундай кадрлар тайёрлаш режалари ишлаб чиқилган.

Юқорида келтирилган таълим маркетинги маълумотлари шундан далолат берадики, вилоят кўпчилик ташкилотларининг ўзида ҳам таълим бозоридаги, талаб-таклиф қонунларига риоя қилиш ва кадрлар масаласидаги самарали маркетинг тадқиқотлари олиб бориш муаммолари етарли даражада ҳал этилмаган. Бунинг бир қатор объектив-субъектив муаммолари, тегишли шарт-шароитлар ва омиллари бор, албатта.

Бозор муносабатлар эса ҳар бир корхона раҳбари учун кадрлар масаласини ижобий ҳал этишда маркетинг хизматидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишни тақоза этади.

Маркетинг хизмати бўлимининг эришган ютуқлари билан бирга бир қатор муаммолари ҳам мавжуд. Жумладан:

- битирувчиларни ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;

- ташкилотларнинг истиқболли режасига асосан, институтнинг янги ўқув йили қабули учун берилган буюртмаларнинг бажарилишини таъминлаш;

- институт мутахассислик кафедраларининг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини ва нуфузини янада ошириб бориш;

- васийлик ва кузатув кенгашларининг самардорлигини ошириш ва институт ўқув-лаборатория базасини ривожлантириш мақсадида ташкилотлар хомийлигини кенгайтириш борасида аниқ ишларни амалга ошириш ва ҳоказолар.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан келиб чиқиб яна шуни хулоса қилиш мумкинки, юқори малакали кадрлар тайёрлаш бошқарувида маркетинг хизмати самарали ташкил этиш, келгусида касб-ҳунар таълими соҳасида кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишни ташкил этиш, таълим хизмати кўрсатиш ва касбий меҳнатнинг рақобатга асосланган бозорини, ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантиришни йўлга қўйишдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ТИЗИМИНИНГ КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ИМКОНИАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШДАГИ ЎРНИ

УДК 338.4

О Эльбеков Ў.Н., Ҳақимов А.А. 2004 й.

Эльбеков Ў.Н., НДКИ «Иқтисодиёт ва менежмент» кафедраси мудири, доцент, иқт. фанл. номз,
Ҳақимов А.А., НДКИ «Иқтисодиёт ва менежмент» кафедраси ассистенти

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари қўшимча иш жойларини яратиш, бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдириш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини белгилаш орқали, ҳамда молиявий ресурсларининг янада самарали тақсимланишида фаол иштирок этиб мамлакат иқтисодиётида муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу жараёнда тижорат банкларининг ўрни ҳам катта. Тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳақиқий шериклари бўлиб, улар янги ишлаб чиқаришларни молиялаштириши, маблағларнинг энг устувор ва самарали лойиҳаларга йўналтирилишини таъминлаши керак.

И.А. Каримов

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар жараёни кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб

- қувватлашга устувор аҳамият бериш билан боғлиқдир. Чунки кичик ва ўрта бизнес унча катта бўлмаган молиявий қуйилмаларни талаб этиши ва қисқа вақт ичида фойда келтириши билан ажралиб туради.

Хорижий давлатларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун улар давлат томонидан молиявий қўллаб - қувватланганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтилиши туфайли жамиятда янги молиявий сиёсат ишлаб чиқилди ва ҳукумат томонидан реал ҳаётда амалга оширилмоқда. Жамиятдаги ҳар бир иқтисодий фаолиятнинг бошланиши давлатнинг яқиндан туриб берган молиявий ёрдами туфайли ривожланиб, такомиллашиб бориши мумкин. 1995 йил 25 декабрда қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбир-

корликни ривожланишини рағбатлантириш тўғрисида”ги қонунда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлашда банкларнинг ролини ошириб боришга алоҳида эътибор берилган.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини асосий фаолияти банклар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб борилаётган фаолият хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш, иш ҳақи билан ишловчиларни таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар, юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар, яъни олинган фойдадан, даромаддан солиқ тўлаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари банклар орқали, ўз навбатида олинадиган кредитлар ҳам банклар орқали амалга ошади.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришгунча банк ва банклар билан бўладиган турли иқтисодий муносабатлар унчалик ошқора этилмас эди. Жаҳон хўжалигини муҳим хўжалик юритиш қисми бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барча фаолияти банклар билан боғланганлиги бугунги кунда ҳаммага маълум бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда масалан, АҚШда банк тизимини фаолияти ниҳоятда ривожланган бўлиб, тадбиркорларни иқтисодий фаолият кўрсатишларини фаоллаштиришда банклар барча мулк шаклидаги корхоналарга умумий равишда хизмат кўрсатади.

Умуман банк операциялари фаол ва пассив операциялардан иборат бўлиб, пассив операциялар пул маблағларини маълум бирор йўналишга сафарбар этишга қаратилган. Банклар пассив операциялар орқали жамғармаларни ва вақтинчалик бўш турган маблағларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиб фойда олади. Фаол операциялар турли ҳарактердаги кредитларни бериш операциялари билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги элементлар бўйича туркумланади:

- муддатлари бўйича кредитлар 1 йиллик, 5 йиллик ва 7-10 йилга мўлжалланган бўлиши;
- кредитларни ҳажми бўйича кичик, ўрта, йирик миқдорда ҳар бир мижозга индивидуал ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;
- айрим турлари бўйича махсус кафолатни талаб қилмайдиган, гаров эвазига берилмайдиган кредитлар;
- кредитларни турлари бўйича, яъни давлат, тижорат, хусусий ва бошқа турлари бўйича бериш;
- заёмни турлари бўйича юридик шахслар ва ҳоказоларга бериш;
- вақтинчалик фойдаланиш учун инвестиция, истезмол учун, қарзларни тўлаш, асосан экспорт ва

импорт операцияларини бажариш учун бериладиган кредитлар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мулк эгаллигининг кичик ва хусусий тадбиркорлик шакли корхоналари ўз фаолиятида турли банклар билан муомалада бўлади. Бу жараён аввало олдингиларидан фарқ қилган ҳолда анча мураккаб ҳисобланади, чунки олдинги жараёнлар асосан корхоналар орқали банк ўз фаолиятини олиб борганлиги билан характерланади.

Турли мулкчилик шароитида республикада “Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш тўғрисида” ги 1995 йил 14 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг № 55 - қарори бўйича Ўзбекистон ҳудудидаги барча тадбиркор банкларини кичик ва хусусий тадбиркорларга ҳисоб рақамларини 3 кун ичида, уларнинг аризалари ва ҳокимиятда рўйхатга олинганликлари тўғрисидаги гувоҳномалари асосида, бошқа кераксиз ҳужжатлар талаб қилмай очишлари тўғрисида кўрсатма берилган. Бу қарор туфайли республикада минглаб кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барпо этилишига имконият яратилиб, бу соҳадаги корхоналар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Шу билан бирга кичик ва хусусий тадбиркорлар хорижлик мулк эгалари, тадбиркорлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борадиган бўлса, давлат валюта операциялари олиб боришга рухсат берди.

Тадбиркорларни банклар билан бўладиган операцияларда турли эркинликлар бериб қўйилганлиги шундан намоён бўладики, хусусий тадбиркор ўз жамғармасини Ўзбекистоннинг турли банкларида ўз ҳисоб рақамида сақлаши, кредит ва касса операцияларини бажариш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Марказий банк мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ кичик ва ўрта бизнес субъектларига банк хизмати кўрсатиш, уларга банк кредитлари беришнинг соддалаштирилган тартиб – қоидаларини жорий этишни бошлади. Тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида, ушбу соҳага ажратган кредитлари миқдори банк активларининг 20% дан ошган тақдирда Марказий банкдаги мажбурий заҳираларга ажратмалар ўтказишдан озод қилинади.

Тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар асосан экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган товарларни ишлаб чиқариш, ҳамда халқ хўжалигининг бошқа устувор йўналишларини ривожлантириш учун йўналтириляпти. Тижорат банкларга берилаётган имтиёзлар банкларнинг мустақиллигини ошириш, уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларга айланттириш, кичик ва ўрта бизнес, тад-

биркорлик тузилмаларининг ишлаб чиқариш субъектларини кредитлашни кенгайтириш, шунингдек, банклар ва уларни мижозлари ўртасида ўзаро фойдали шерикчилик алоқаларини шакллантириш, ҳамда халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва тижорат банклари томонидан хорижий кредит линияларини жалб этишга хизмат қилмоқда.

Тижорат банклари томонидан республикамизнинг чекка ва меҳнатга яроқли аҳолиси кўп туманларда қўшма корхоналар ташкил этилишини таъминлаш, ҳамда хорижий кредит линиялари сармояларини ўзлаштиришга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва уларнинг худудий бўлимларида лойиҳаларни лойиҳалаштириш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилиб, мазкур бўлинмалар орқали тадбиркорларга лойиҳаларни танлашда маркетинг, инжиниринг ва консалтинг хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилиб, кредит линияларини ўзлаштиришга ёрдам бериб келинапти.

Марказий банк ходимларининг жойлардаги тижорат банкларда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги савиясини ошириш мақсадида, Марказий банк қошида кичик ва ўрта бизнес субъектларга кредит бериш тартиблари тўғрисидаги амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг қўлланиши масалаларини муҳокама қиладиган ўқув курслари ташкил этилди.

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган қисқа муддатли кредитлар корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ажратилган бўлса, узоқ муддатли кредитлар фермер хўжаликлари чорва – моллари сонини оширишга, технологик линияларни янгилаш, замонавий асбоб-

укуналар сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш иншоотларини қуришга йўналтирилмоқда. Ажратилган кредитлар натижасида республикамизда автомобиль эҳтиёт қисмлари, халқ истеъмоли моллари ва кундалик эҳтиёжлар учун зарур товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда тадбиркорлар ўзларига ниҳоятда қулай бўлган “Банк – мижоз” дастурий тизимидан кенг фойдаланмоқда. Бу тизимга боғланган мижозлар ўз офисларида турган ҳолда, компьютер ва электрон алоқа тизими орқали тўловларни амалга оширишлари мумкин. Натижада ўзларининг вақт ва маблағларини тежаш имкониятига эга бўлишади.

Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг чинакам ҳамкорига айланиши, шак-шубҳасиз республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, ҳамда халқаро майдондаги мавқеи юксалиб боришига хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар республикамизда кичик ва ўрта бизнеснинг тобора ривожланиши, ҳамда унинг иқтисодиёт таркибидаги муҳим, ташкил этувчи тармоғига айланишига олиб келмоқда. Натижада, бу соҳа экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Эришилаётган натижаларнинг қўлга киритилишидан тижорат банкларнинг тадбиркорлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораётганликлари катта аҳамият касб этмоқда.

ЗАЩИТА ПРАВА СОБСТВЕННОСТИ НА ПРИРОДНЫЕ РЕСУРСЫ

УДК 347. 24 (575.10)

О Давронбеков А.У. 2004 г.

Давронбеков А. У., юриконсульт Центрального рудоуправления НГМК

Способы защиты права собственности на природные ресурсы определяются законодательством Республики Узбекистан. Основу экономики Узбекистана, направленной на развитие рыночных отношений, составляет собственность в её различных формах. Статья 53 Конституции Республики Узбекистан гарантирует свободу экономической деятельности и устанавливает, что право частной собственности охраняется законом [1]. Никто не может быть лишен своего имущества

иначе как по решению суда. Принудительное отчуждение собственности для государственных нужд может быть произведено только при условии предварительного и равноценного возмещения.

Защита прав собственности регулируется также в специальной главе 19 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, где устанавливаются правила истребования собственности из чужого незаконного владения (статья 228), истребования собственности от доб-

росовестного приобретателя (статья 229), расчетов при возврате собственности из незаконного владения (статья 230) и защиты прав собственника от нарушений, не связанных с лишением владения (статья 231), а также относительно последствий прекращения права собственности в силу закона (статья 233) [2].

Так, собственник природных ресурсов вправе истребовать свою собственность из чужого незаконного владения. Если собственность (природные ресурсы) возмездно приобретено у лица, которое не имело права его отчуждать, о чем приобретатель не знал и не мог знать (добросовестный приобретатель), то собственник вправе истребовать эту собственность от приобретателя в случае, когда собственность утеряна собственником или лицом, которому оно было передано собственником во владение, либо выбыло из их владения иным путем помимо их воли.

При истребовании собственности (природных ресурсов) из чужого незаконного владения собственник вправе также потребовать от лица, которое знало или должно было знать, что его владение незаконно (недобросовестный владелец), возврата или возмещения всех доходов, которые это лицо извлекло или должно было извлечь за все время владения; от добросовестного владельца – возврата или возмещения всех доходов, которые он извлек или должен был извлечь со времени, когда узнал или должен был узнать о правомерности владения или получил повестку по иску собственника о возврате собственности. Владелец – как добросовестный, так и недобросовестный – в свою очередь, вправе требовать от собственника возмещения произведенных им необходимых затрат на собственность с того времени, с которого собственнику причитаются доходы от собственности.

Гражданское законодательство регулирует процедуры защиты гражданских прав.

Требования прав собственности на природные ресурсы установлены также в некоторых актах природо-ресурсного законодательства, т.е. согласно статье 6 Закона Республики Узбекистан «О недрах» полезные ископаемые, добытые в установленном законодательством порядке, могут находиться в государственной собственности, собственности юридических и физических лиц [3].

Право собственности на техногенные минеральные образования, полученные в процессе добычи полезных ископаемых и переработки минерального сырья, сохраняется за пользователем недр на срок пользования участком недр.

Споры об обоснованности решения о приостановке, ограничении или прекращении права пользования недрами, а также о возмещении убытков рассматриваются судом.

Наиболее широкий выбор способов защиты прав собственников предусмотрен статьей 11 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан. Разновидностью гражданских прав являются права собственности на природные ресурсы, и защита таких прав осуществляется путем:

- признания права;
- восстановления положения, существовавшего до нарушения права и пресечения действия, нарушающих право или создающих угрозу его нарушения;
- признания оспариваемой сделки недействительной и применения последствий недействительности ничтожной сделки;
- признания недействительным акта государственного органа или органа местного самоуправления;
- самозащиты права;
- присуждения к исполнению обязанности в натуре;
- возмещения убытков;
- взыскания неустойки;
- компенсации морального вреда;
- прекращения или изменения правоотношения;
- неприменения судом акта государственного органа или органа местного самоуправления, противоречащего закону;
- иными способами, предусмотренными законом.

Вмешательство государственных органов в деятельность пользователей недр не допускается. Нарушенные права подлежат восстановлению в порядке, предусмотренном законодательством Республики Узбекистан. Убытки, понесенные пользователями недр из-за необоснованного ограничения, приостановления или прекращения права пользования участками недр, подлежат возмещению, включая упущенную выгоду, в порядке, установленном законодательством.

Список литературы:

1. Конституция Республики Узбекистан. Тошкент. «Узбекистон» 1998.
2. Закон Республики Узбекистан «О недрах» (новая редакция). Газеты «Народное слово» и «Халк сузи» 2003.
3. Гражданский кодекс Республики Узбекистан. Издательство «Экономика и мир право». Ташкент. 1998.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИ

УДК

Ў Эльбеков Ў.Н., Ишбутаева Х.М., Исломова Р.А. 2004 г.

Эльбеков Ў.Н., НДКИ, «Иқтисод ва менежмент» каф. мудири
Ишбутаева Х.М., НДКИ, «Иқтисод ва менежмент» каф. катта ўқитувчиси
Исломова Р.А., НДКИ, «Иқтисод ва менежмент» каф. катта ўқитувчиси

Ҳар қандай иқтисодий тизимда бўлганидек, бозор иқтисодиётида ҳам мулк муаммоси ҳал қилувчи аҳамият касб этади ва ҳаракатдаги мавжуд мулк шакллари бозор талабига, унинг хусусиятларига мос келиши талаб этилади.

Малакатимизда амалга оширилаётган ва чуқурлаштирилиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади жамиятдаги иқтисодий муносабатларни эркинлаштирувчи иқтисодий, қишлоқ хўжалигида эса, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари ривожлантириш, тадбиркорлик ва эркин рақобат шароитини вужудга келтириш билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши таъмин этувчи мустаҳкам ҳуқуқий ва меъёрий асослар яратилди.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишида мулк шакллари турлилиги ва хусусий мулкнинг асосийлигини таъминлаш давлат мулкчини хусусийлаштириш, унинг монопол ҳолатини бартараф этишни муҳим масала қилиб қўяди, чунки бозорга ўтиш, нобозорча бошқариш усули ўрнига бозорча хўжалик юритишни ўрнатиш, давлат иқтисодиётини эркинлаштириш, рақобатбop хўжалик турларини яратиш асосий муаммолардандир. Хусусийлаштириш натижасида давлат монополиясига барҳам берилади, нодавлат мулкнинг барча шакллари ривожланиб боради. Жумладан, республикада хусусий мулк ишлаб чиқарувчиларнинг миқдори борган сари кўпайиб, эркин иқтисодий ҳаракат ва соғлом рақобат учун қадам ташланмоқда, натижада эса мулк эгасини топмоқда.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан хусусий мулкчилик ҳуқуқини ривожлантириш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд фуқаровий қонун ҳужжатларига катта ҳажмдаги мутлақо янги меъёрлар киритилди. Айтиш мумкинки, хўжалик ҳуқуқи соҳасида бундан кейинги ислохотларга йўл очиб берган бошланғич қонун ҳужжати кейинчалик Конституция билан асослаб берилган ғоят муҳим қоидаларнинг турли шаклдаги мулк эркинлиги ва тенглиги қоидалари ҳамда иқтисодий фаолият эркинлиги қоидасининг тасдиқланишидан иборат бўлди. Мулкчилик ҳуқуқи ислох қилинганидан кейингина Ўзбекистонда ишлаб чиқариш воситалари, бошқа мол-мулклар ҳақиқий эгалари қўлига топширилиши ва тадбиркорликни ривожлантириш учун асос бўлиши тақозо этилмоқда.

Бугунги кунга келиб, Республикада кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ҳамда вилоятларда ташкил этилган қишлоқ хўжалик корхоналарига ва тадбиркорларга консалтинг хизмат кўрсатувчи марказлари керакли жиҳозлар билан таъминлаган. 2003 йилда ушбу ахборот-маслаҳат марказлари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига ҳар хил хизматлар кўрсатилди. Жумладан:

- бизнес-режалар тайёрлаш;
- ахборот билан таъминлаш;
- бухгалтерлик ҳисоб-китоб ишлари;
- бошқа хизматлар;

Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратиш бериш масалалари барча даражадаги раҳбарларнинг, биринчи галда доимий диққат марказида туриши лозим.

Шуни айтиш керакки, кейинги пайтда Республикада кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг фаолияти анча кучайганлиги сезилмоқда. Маълумки, тадбиркорликни янада ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уни сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтариш мақсадида ҳукуватимиз раҳбарияти томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан 2001 йилнинг 22 августида «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, уларни ҳисобга қўйиш тамойили» бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган эди.

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш тамойилига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқилди.

Ушбу қарорга асосан ҳар бир туман(шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича 2003 йил 1 октябргача инспекциялар ташкил этилиши ва улар учун зарур шарт-шароитлар яратилиши кўрсатиб ўтилган. Шу билан бир қаторда инспекцияларнинг ташкил этилиши тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш, бюрократия ва сансалорлик ҳолларининг олдини олиш мақсадларига қаратилган. Юқоридаги қарорда кўрсатилган муддатларга ҳам анча ўзгаришлар киритилган.

Мазкур қарорга асосан розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилиши, барча келишиб олиш тартиботлари рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўлимлари ўрнига рўйхатдан ўтказиш Инспекциялари ташкил қилинганлиги ва бошқа бир қатор ўзгартиришлар киритилганлиги кўрсатилган.

Тадбиркорлик субъектларини фаолият кўрсатиши учун зарур барча рухсатномаларни тадбиркор фақат битта жойга мурожат қилган ҳолда олиши, уларга жуда катта қулайликларни яратади. Керакли жойдан рўйхатдан ўтказиш бўлимига мурожат қилган ҳолда, рухсатнома олиниши, тадбиркорни сансоларликдан, бюрократия тўсиқларисиз бемалол белгиланган муддатда керакли ҳужжатларини олиниши таъминланса, иккинчи томондан, бирон-бир эксплуатация қилинувчи ташкилотдан рухсатнома олган учун тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилмасдан қолмайди ва ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини чеклайди, давлат бюджетига солиқ ва тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлайди.

Ушбу қарорда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш муддатини 1 ойгача белгиланганлиги рўйхатдан ўтказишни энг мақбул ва энг кам вақт ичида фаолият кўрсатиш учун зарур барча ташкилотлардан тегишли рухсатномаларни олишга имкон беради.

Айни чоғда ушбу қарор, тадбиркорликни янада ривожланишига, иқтисодийетимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ўрнини кучайтиришга асосий таянч бўлиб хизмат қилади. Бунинг натижаларини қуйидаги маълумотларга таянган ҳолда кўриб чиқишимиз мумкин. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 апрел 1998 йилдаги 1987 - сонли фармонида ўзгартириш киритилган. Бу фармон 30 август 2003 йилда қайта ишлаб чиқилиб, тадбиркорлик субъектлари сони жиҳатидан 2-2,5 баробаргача кўпайтирилган.

Масалан, Машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноатида 20 тадан 100 тагача. Фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компаниясидан ташқари) савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда 10 тадан 25 тагача кўпайтирилган.

Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Республикада кичик ва ўрта тадбиркорликни ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда кўпгина ишлар амалга оширилган бўлсада, шунга қарамай қуйидаги муаммолар юзага келмоқда:

- тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ билмаслиги;
- тадбиркорлик субъектларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқариладиган қарорлар бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларининг сустлиги;
- энг асосий омиллардан бири бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида кичик технологиялар (тўғрисида маълумотларнинг) етишмаслиги;

- кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ҳисоботини юритишдаги тартибини соддалаштириш;

- хорижий кредит линияларини олиб киришда тадбиркорларга етарли даражада маълумотларни еткази олиш.

Республикада кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш кенг йўлга қўйилганига қарамадан вилоятда кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, вилоятда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фаолиятини яхшилаш, тадбиркорларни кредит билан таъминлаш ишларини қайта кўриб чиқиш, тадбиркорлар фаолиятига мунтазам равишда янгиликлар киритиш.

Иккинчидан, тадбиркорлар ўз ҳуқуқларини яхши билишлари лозимки, ҳар қандай фавқулотда ҳолатларда ҳам ўз фаолиятини тўхтатмасин.

Учинчидан, ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни очиш ҳисобига ишсизларни камайтириш.

Тўртинчидан, вилоятдаги барча туманлар ва шаҳарлар манфаатини кўзлаган ҳолда, жойларда тадбиркорларга имкониятлар яратиб бериш.

Бешинчидан, вилоятда ташкил этилган фермер хўжаликларида вазиятни ҳисобга олиб, уларга иш шароитини яхшилаш билан бирга фермер хўжаликлари фаолиятининг тугатилишини олдини олиш.

Олтинчидан, меҳнат биржаси томонидан ишсизлар сонини камайтириш учун уларни кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик ҳақида ўқитиш ишларини олиб бориш. Уларга бизнес режа тузишда ва тадбиркорлик фаолиятини яхшилашда кўмаклашиш.

Еттинчидан, қўшма ва чет эл корхоналари билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун тадбиркорларга имкониятлар ва қулайликлар яратиш.

Юқоридаги таклифларни қўллаган ҳолда Республикада тадбиркорлик ва кичик бизнесга кенг йўл очиш билан мамлакатимиз иқтисодийети ривожланишига, бозорнинг тўкин-сочинлигига, ялпи ички маҳсулот кўпайишига замин яратилади. Шу билан бир қаторда кичик ва ўрта бизнес субъектларини, ялпи ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи омилни эгаллаши, балки ишсизликнинг олдини олиш муаммосини ечишда, қишлоқ жойларида иш ўринларини очишда муҳим иқтисодий ва демографик кўрсаткичга айланиши асосий масалалардан биридир.

ТАЪЛИМ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

УДК

Ó. Хабибуллаев Қ.Ш. 2004 г.

Хабибуллаев Қ.Ш. НДКИ Маркетинг хизмати бўлими бошлиғи

Мустақил юртимизда ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш товар, меҳнат ёки сармоя бозори кабилар қаторида таълим хизмати бозорини ҳам мукамал тарзда шакллантириш ҳамда унинг қонун-қоидаларига тўла-тўқис риоя қилишни тақозо этади.

Таълим бозорининг энг муҳим жиҳатларидан бири – бу аниқ бир соҳада малакали кадрлар тайрлашга бўлган талаб ва таклиф муносабатларини самарали маркетинг хизматларини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштиришдан иборатдир (чизмага қаралсин). Шу борадаги республикада амалга оширилган хайрли ишларнинг самарасидан бири сифатида Навоий Давлат кончилик институтининг ташкил этилгани бўлди. Президентимиз И.Каримов: «Кончилик институти ташкил этилгани кон-металлургия саноати учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида муҳим қадам бўлди», – деб бежиз айтмаганлар.

Навоий Давлат кончилик институти «Маркетинг хизмати бўлими» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январ 48- сонли «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ва шу қарорнинг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 26.11.98 й. 337-сонли буйруғи асосида ташкил топган бўлиб, унинг асосий фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисидаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонини ижро этишга асосланади.

Олий ўқув юртининг Маркетинг хизмати бўлими фаолиятини ёритиб берувчи асосий меъёрий тамойилларни аниқловчи Низомига кўра таълим бозорида ўз олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириб боради. Шу борадаги институт бўлимининг қуйидаги тажриба жиҳатларига тўхтаб ўтиш жоиз бўлади:

Иқтисодиёт соҳаларида фаолият кўрсатаётган (мулкчилик шаклидан қатъий назар) юридик ва жисмоний шахсларнинг юқори ма-

лакали мутахассисларга бўлган талабларини тўла қондиришда бевосита иштирок этилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида олий ўқув юртининг рақобатбардошлигини оширишга, молиявий иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва хизматчи-ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини яхшилашга ёрдам берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг барча корхона, муассаса ва ташкилотларини олий ўқув юртида тайёрланадиган малакали кадрларга бўлган талаблари ўрганиб келинмоқда.

Олий ўқув юрти ва корхоналар ўртасида алоқани ривожлантириш учун амалий тадбирлар ишлаб чиқилган.

Олий ўқув юртининг мутахассисликлари ва йўналишлари бўйича талабаларни қабулини ва битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича барча корхона ва ташкилотларни реквизитларини аниқлаштирилиб, улар билан шартнома-лар тузилган.

- Корхоналар ва ташкилотларни мутахассисларга (қабул, битирувчи, амалиёт бўйича) бўлган истиқболли эҳтиёжи асосида ахборотлар банки яратилиб, мунтазам янгиланиб борилади.

- Олий ўқув юртига қабул қилинадиган абитуриентларнинг ҳар йилги миқдорий кўрсаткичлари аниқланиб ва жорий йилнинг 5 январига қадар талабалар қабул режаси лойиҳаси вазирликка тақдим этиб келинмоқда.

- Деканлар ва кафедра мудирларининг бевосита иштирокида ўқув йилининг тугалланишига қадар олий ўқув юртида тайёрланаётган ёш мутахассислар учун иш жойлари имкони-ятларини аниқлаш ва белгиланган иш билан таъминланишига кўмак берилмоқда. Шу мақсадда ҳар ўқув йили охирида битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида «ким ошди» савдоси (аукцион) ташкил этилади.

- Олий ўқув юртида тайёрланган мутахассисларнинг назарий билимлари келажакдаги амалий фаолиятлари билан мувофиқлигини ўрганиш мақсадида корхоналар, ташкилотлар ва бошқа идоралараро узвий алоқа ўрнатилган.

- Бозор талабидан келиб чиқиб олий ўқув юртида мутахассисларни назарий ва амалий

тайёрлашни таҳлилини ўтказиш, мутахассислар тайёрлашнинг сифатини ва кадрларга эҳтиёжмандлар орасида олий ўқув юртининг нуфузини оширишга интилоқда.

талабалар амалиётини ўтказиш учун чоратадбирлар ишлаб чиқилмоқда, илғор корхона ва муассасаларни аниқлаб, улар билан шартномалар тузилган.

1 - жадвал

Навоий вилоятининг йирик ташкилотларда олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик даражасининг ўзгариши, %

Ташкилот номи	Мутахассислик	2000 й	2001 й	2002
«Навоийазот» АЖ	Муҳандис-технолог	46,0	86,0	86,0
	Муҳандис-механик	40,0	86,0	86,0
	Муҳандис-электрик	87,0	87,0	87,0
«Қизилқумцемент» АЖ	Муҳандис-технолог	100,0	100,0	100,0
	Муҳандис-механик	92,3	100,0	100,0
	Муҳандис-электрик	95,3	80,0	80,0
Электрокимё завод	Муҳандис-технолог	42,0	42,0	42,0
	Муҳандис-механик	44,0	44,0	44,0
	Муҳандис-электрик	41,0	41,0	41,0
	Муҳандис-электроник	14,0	14,0	14,0
НДИЭС	Муҳандис-иссиқлик электриги	93,0	94,7	94,7
	Муҳандис-электрик	75,0	91,3	91,3
	Муҳандис-механик	91,0	100,0	100,0

- Кафедра мудирлари ва ўқув бўлими билан ҳамкорликда Олий касб таълимининг мос

- Корхоналар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга бўлган эҳтиё-

2 - жадвал

Навоий вилоятининг йирик ташкилотларида олий маълумотли айрим мутахассисларга бўлган талабнинг ўзгариши, киши.

Ташкилот номи	Мутахассислик	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил
НКМК	Кон ишлари		22	50	20
	Кон электромеханикаси		25	30	30
	Металлургия		20	20	25
	Кончилик иши педагогикаси		0	10	0
	Кимё биотехнология		15	10	15
	Электрэнергетика		20	40	20
	Автоматика ва бошқарув		20	20	20
	Технология машиналар ва жиҳозлар мутахассиси		20	20	20
«Навоийазот» АЖ	Муҳандис-технолог	12		20	15
	Муҳандис-механик	7	10	11	5
	Муҳандис-электрик	10	10	22	15
	Автоматика ва бошқарув	15			5
«Қизилқумцемент» АЖ	Муҳандис-технолог	0	2	2	1
	Муҳандис-механик	2	3	5	3
	Муҳандис-электрик	2	2	4	2
	Иқтисодчи-менежер		2	2	1
Электрокимё заводи	Муҳандис-технолог	6	8	8	6
	Муҳандис-механик	1	2	2	2
	Муҳандис-электрик	4	3	3	3
	Муҳандис-электроник	2	2	2	2
НДИЭС	Муҳандис-иссиқлик электриги	4	2	4	4
	Муҳандис-электрик				
	Муҳандис-механик	2	2	4	4
	Муҳандис-технолог	1	0	1	1
		0	1	1	1

йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича

жини ўрганиш, тадбирлар ишлаб чиқиш ва бу

ишни ташкил этиш, улар билан биргаликда республика ижтимоий инфратузулмаси ва иқтисодиётнинг устувор йўналишлари учун

- Корхона, муассаса, ташкилотлар, жисмоний шахслар билан мутахассислар тайёрлаш бўйича шартномаларни расмийлаштириш,

3 - ж а д в а л

Навоий давлат кончилик институти битирувчилари сонининг ўзгариши, киши

№	Йўналишлар номи	2000 йил		2001 йил		2002 йил		2003 йил	
		Жами	Шу жумлн шартнома асосида	жами	Шу жумл-н шарт-нома асосида	жами	Шу жумл-н шартно-ма асосида	жами	Шу жумл-н шарт-нома асосида
1	Кончилик иши	123	23	141	70	71	31	85	40
2	Металлургия	53	5	58	20	45	15	43	11
3	Технологик машиналар ва жиҳозлар	40	12	59	33	38	18	47	23
4	Автоматлаштириш ва бошқарув	42	11	50	32	37	18	44	26
5	Электроэнергетика	48	33	46	32	21	8	32	19
6	Қурилиш	22	8	65	30	46	26	0	0
7	Кимёвий биотехнология	47	23	49	24	25	7	32	14
8	Менежмент	23	10	51	35	38	24	28	18
9	КПТ Электроэнергетика	0	0	0	0	0	0	28	12
9	Сиртқи бўлим	114	8	84	84	77	56	129	80
10	Институт бўйича, жами	512	133	603	360	398	203	468	243


тайёрланаётган мутахассисларнинг сифатини ошириш муаммолари ечилмоқда.

- Халқаро ҳамкорликда хорижнинг илғор ўқув, илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан қўшма шартномалар тузиш ва бажариш, шу жумладан, технологик ва танишув

ҳамда тўлов контракт асосида ўқиётган талабаларни ўз вақтида маблағларни тўлашни назорат этиш маркетинг бўлимида яхши йўлга қўйилган.

Навоий Давлат кончилик институти Маркетинг хизмати бўлимининг асосий фаолияти институтда таълим хизматларини ривожлантириш, ёш мутахассисларга бўлган талабини ўрганиш ва бюджетдан ташқари тушумларни кўпайтириш, институт билан корхона ўртасида алоқаларни ривожлантириш мақсадига йўналтирилган. Бу борада ўтган йиллар мобайнида сезиларли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Навоий вилоятида жойлашган йирик корхоналарнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган талаблари ўрганилиб, институтда янги йўналишлар очиш ва аксинча талаб бўлмаганларини қисқартириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилди. Энди 2000-2002

НавКИ битирувчилари сонининг ўзгариши диаграммалари



амалиётларини ҳамда малака оширишни ташкил қилиш ишларида қатнашиб келинмоқда.

йиллари ўтказилган ана шу тадқиқотлар натижалари таҳлилига тўхталиб ўтамиз.

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, бир қатор ташкилотларнинг олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик даражаси анча юқори бўлишига қарамадан баъзи бирлари паст («Навоийазот»да муҳандис-механиклар – 66%, «Қизилқумцемент»да муҳандис-электриклар – 80%, айниқса «Электрокимёзаводи»да кўрсатилган барча мутахассисликлар атиги 14-44%) даражада таъминланганлиги ва ана шундай мутахассис кадрларга бўлган талаб даражасининг юқорилиги аён бўлади.

Бундан ташқари, ушбу ташкилотларда нафақа ёшида, вақтинчалик ёки олий маълумотга эга бўлмасдан ишлаётган кадрларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг яқин келажакда (4-5 йил ичида) олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган талабининг ўзгариши тўғрисидаги маркетинг маълумотлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал маълумотлари Навоий давлат кончилик институтининг «Маркетинг хизмати» бўлими томонидан ўтказилган маркетинг тадқиқоти натижалари асосида аниқланиб, ушбу маълумотларга кўра вилоят ташкилотларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжига мувофиқ келадиган таклиф, яъни институт баъзасида ана шундай кадрлар тайёрлаш режалари ишлаб чиқилган.

Юқорида келтирилган таълим маркетинги маълумотлари шундан далолат берадики, вилоят кўпчилик ташкилотларининг ўзида ҳам таълим бозоридаги, талаб-таклиф қонунларига риоя қилиш ва кадрлар масаласидаги самарали маркетинг тадқиқотлари олиб бориш муаммолари етарли даражада ҳал этилмаган.

Бунинг бир қатор объектив-субъектив муаммолари, тегишли шарт-шароитлар ва омиллари бор, албатта.

Бозор муносабатлар эса ҳар бир корхона раҳбари учун кадрлар масаласини ижобий ҳал этишда маркетинг хизматидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишни тоқозо этади.

Маркетинг хизмати бўлимининг эришган ютуқлари билан бирга бир қатор муаммолари ҳам мавжуд. Жумладан:

- Битирувчиларни ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;
- Ташкилотларнинг истиқболли режасига асосан, институтнинг янги ўқув йилги қабули учун берилган буюртмаларнинг бажарилишини таъминлаш;
- Институтнинг мутахассислик кафедраларининг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини ва нуфузини янада ошириб бориш;
- Васийлик ва кузатув кенгашларининг самарадорлигини ошириш ва институт ўқув-лаборатория базасини ривожлантириш мақсадида ташкилотлар хомийлигини кенгайтириш борасида аниқ ишларни амалга ошириш ва ҳоказолар.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан келиб чиқиб яна шуни хулоса қилиш мумкинки юқори малакали кадрлар тайёрлаш бошқарувида маркетинг хизматини самарали ташкил этиш келгусида касб-ҳунар таълими соҳасида кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишни ташкил этиш таълим хизмати кўрсатиш ва касбий меҳнатнинг рақобатга асосланган бозорини ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантиришни йўлга қўйишдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ТИЗИМИНИНГ КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ИМКОНИАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШДАГИ ЎРНИ

УДК

О Эльбеков Ў.Н., Хакимов А.А., 2004 г.

Эльбеков Ў.Н., и.ф.н., доцент, "Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси мудири,
Хакимов А.А., "Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси ассистенти

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари қўшимча иш жойларини яратиш, бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдириш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини белгилаш орқали, ҳамда молиявий ресурсларининг янада самарали тақсимланишида фаол иштирок этиб мамлакат иқтисодиётида муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу жараёнда тижорат банкларининг ўрни ҳам катта. Тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларининг

ҳақиқий шериклари бўлиб, улар янги ишлаб чиқаришларни молиялаштириши, маблағларнинг энг устувор ва самарали лойиҳаларга йўналтирилишини таъминлаши керак.

И. Каримов

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар жараёни кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлашга устувор аҳамият бериш билан боғлиқдир. Чунки кичик ва ўрта бизнес унча катта бўлмаган молиявий қуйилмаларни

талаб этиши ва қисқа вақт ичида фойда келтириши билан ажралиб туради.

Хорижий давлатларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун улар давлат томонидан молиявий қўллаб - қувватлаганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтилиши туфайли жамиятда янги молиявий сиёсат ишлаб чиқилди ва ҳукумат томонидан реал ҳаётда амалга оширилмоқда. Жамиятдаги ҳар бир иқтисодий фаолиятнинг бошланиши давлатнинг яқиндан туриб берган молиявий ёрдами туфайли ривожланиб, такомиллашиб бориши мумкин. 1995 йил 25 декабрда қабул қилинган "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини рағбатлантириш тўғрисида"ги қонунда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлашда банкларнинг ролини ошириб боришга алоҳида эътибор берилган.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини асосий фаолияти банклар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб борилаётган фаолият хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш, иш ҳақи билан ишловчиларни таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар, юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар, яъни олинган фойдадан, даромаддан солиқ тўлаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари банклар орқали, ўз навбатида олинган кредитлар ҳам банклар орқали амалга ошади.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришгунча банк ва банклар билан бўладиган турли иқтисодий муносабатлар унчалик ошкора этилмас эди. Жаҳон хўжалигини муҳим хўжалик юритиш қисми бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барча фаолияти банклар билан боғланганлиги бугунги кунда ҳаммага маълум бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда масалан, АҚШда банк тизимини фаолияти ниҳоятда ривожланган бўлиб, тадбиркорларни иқтисодий фаолият кўрсатишларини фаоллаштиришда банклар барча мулк шаклидаги корхоналарга умумий равишда хизмат кўрсатади.

Умуман банк операциялари фаол ва актив операциялардан иборат бўлиб, актив операциялар пул маблағларини маълум бирор йўналишга сафарбар этишга қаратилган. Банклар актив операциялар орқали жамғармаларни ва вақтинчалик бўш турган маблағ-

ларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиб фойда олади. Фаол операциялар турли ҳарактердаги кредитларни бериш операциялари билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги элементлар бўйича туркумланади:

1) муддатлари бўйича кредитлар 1 йиллик, 5 йиллик ва 7-10 йилга мўлжалланган бўлиши;

2) кредитларни ҳажми бўйича кичик, ўрта, йирик миқдорда ҳар бир мижозга индивидуал ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

3) айрим турлари бўйича махсус кафолатни талаб қилмайдиган, гаров эвазига берилмайдиган кредитлар;

4) кредиторларни турлари бўйича яъни давлат, тижорат, хусусий ва бошқа турлари бўйича бериш;

5) заёмни турлари бўйича юридик шахслар ва ҳоказоларга бериш;

6) вақтинчалик фойдаланиш учун инвестиция, истеъмол учун, қарзларни тўлаш, асосан экспорт ва импорт операцияларини бажариш учун бериладиган кредитлар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мулк эгаллигининг кичик ва хусусий тадбиркорлик шакли корхоналари ўз фаолиятида турли банклар билан муомалада бўлади. Бу жараён аввало олдингиларидан фарқ қилган ҳолда анча мураккаб ҳисобланади, чунки олдинги жараёнлар асосан корхоналар орқали банк ўз фаолиятини олиб борганлиги билан ҳарактерланади.

Турли мулкчилик шароитида республикада "Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш тўғрисида" 1995 йил 14 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг № 55 қарорини Ўзбекистон ҳудудидаги барча тадбиркор банкарини кичик ва хусусий тадбиркорларга ҳисоб рақамларини 3 кун ичида, уларнинг аризалари ва ҳокимиятда рўйхатга олинганликлари тўғрисидаги гувоҳномалари асосида, бошқа кераксиз ҳужжатлар талаб қилмай очишлари тўғрисида кўрсатма берилган. Бу қарор туфайли республикада минглаб кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барпо этилишига имконият яратилиб, бу соҳадаги корхоналар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Шу билан бирга кичик ва хусусий тадбиркорлар хорижлик мулк эгалари, тадбиркорлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борадиган бўлса, давлат валюта операциялари олиб боришга рухсат берди.

Тадбиркорларни банклар билан бўладиган операцияларда турли эркинликлар бериб

қўйилганлиги шундан намоён бўладики, хусусий тадбиркор ўз жамғармасини ўзбекистоннинг турли банкларида ўз ҳисоб рақамидан сақлаши, кредит ва касса операцияларини бажариш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Марказий банк мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ кичик ва ўрта бизнес субъектларига банк хизмати кўрсатиш, уларга банк кредитлари беришнинг соддалаштирилган тартиб - қоидаларини жорий этишни бошлади. Тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида, ушбу соҳага ажратган кредитлари миқдори банк активларининг 20% дан ошган тақдирда Марказий банкдаги мажбурий заҳираларга ажратмалар ўтказишдан озод қилинади.

Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар асосан экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган товарларни ишлаб чиқариш, ҳамда халқ хўжалигининг бошқа устувор йўналишларини ривожлантириш учун йўналтириляпти. Тижорат банкларга берилган имтиёзлар банкларнинг мустақиллигини ошириш, уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларга айлантириш, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик тузилмаларининг ишлаб чиқариш субъектларини кредитлашни кенгайтириш, шунингдек, банклар ва уларни мижозлари ўртасида ўзаро фойдали шерикчилик алоқаларини шакллантириш, ҳамда халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва тижорат банклари томонидан хорижий кредит линияларини жалб этишга хизмат қилмоқда.

Тижорат банклари томонидан республикамизнинг чекка ва меҳнатга яроқли аҳолиси кўп туманларда қўшма корхоналар ташкил этилишини таъминлаш ҳамда хорижий кредит линиялари сармояларини ўзлаштиришга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бўлимларида лойиҳаларни лойиҳалаштириш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилиб, мазкур бўлинмалар орқали тадбиркорларга лойиҳаларни танлашда маркетинг, инжиниринг ва консалтинг хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилиб, кредит линияларини ўзлаштиришга ёрдам бериб келиняпти.

Марказий банк ходимларининг жойлардаги тижорат банкларда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги савиясини ошириш мақсадида, Марказий банк қошида

кичик ва ўрта бизнес субъектларга кредит бериш тартиблари тўғрисидаги амалдаги меъриий ҳужжатларнинг қўлланиши масалаларини муҳокама қиладиган ўқув курслари ташкил этилди.

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган қисқа муддатли кредитлар корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ажратилган бўлса, узоқ муддатли кредитлар фермер хўжаликлари чорва - моллари сонини оширишга, технологик линияларни янгилаш, замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш иншоотларини қуришга йўналтирилмоқда. Ажратилган кредитлар натижасида республикамизда автомобил эҳтиёт қисмлари, халқ истеъмолчи моллари ва кундалик эҳтиёжлар учун зарур товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда тадбиркорлар ўзларига ниҳоятда қулай бўлган "Банк - мижоз" дастурий тизимдан кенг фойдаланилмоқда. Бу тизимга боғланган мижозлар ўз офисларида турган ҳолда, компьютер ва электрон алоқа тизими орқали тўловларни амалга оширишлари мумкин. Натижада ўзларининг вақт ва маблағларини тежаш имкониятига эга бўлишади.

Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг чинакам ҳамкорига айланиши, шакл-шубҳасиз республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ҳамда халқаро майдондаги мавқеи юксалиб боришига хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар республикамизда кичик ва ўрта бизнеснинг тобора ривожланиши ҳамда унинг иқтисодиёт таркибидаги муҳим, ташкил этувчи тармоғига айланишига олиб келмоқда. Натижада, бу соҳа экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Эришилаётган натижаларнинг қўлга киритилишидан тижорат банкларнинг тадбиркорлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораётганликлари катта аҳамият касб этмоқда.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ

УДК 622

О Эльбеков Ў.Н., Ашурова Н.Б. 2004 й.

Эльбеков Ў.Н., НДКИ «Иқтисод ва менежмент» каф. мудири,
Ашурова Н.Б., НДКИ «Иқтисод ва менежмент» каф. катта ўқитувчиси

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён жуда кўплаб соҳаларда яратувчанлик, янгиликка интилиш ва энг муҳими ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишдек, умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда миллий урф-одат ва тарихий анъаналаримизни рўйбга чиқаришдек улкан имкониятлар яратилмоқда.

Бу айниқса, кичик бизнес фаолиятига алоҳида аҳамият берилаётгани, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўплаб фармонлар чиқарилаётгани ва зарур қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши хусусий

механизмлардан: кредит механизми, солиқ механизми ва бошқа механизмларни такомиллаштириш ёрдамида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳозирги замон талабларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасида 2002-2003 йил Тадбиркорлик кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган эди. Бу дастур кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва уларни иқтисодий механизмлар орқали қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва кредитларга жалб этишни тоқоза этади.


Ушбу дастурда тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланувчилар сонини иложи борица кўпайтириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, ЯИМ ишлаб чиқаришни кўпайтириш, кредитлар билан таъминлаш ва шу билан бир қаторда солиқ механизмини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқиш керак деган таклифлар берилган эди.

Республикада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тобора авж олдириш, шунингдек тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Бизнес фонд, «Мадад» суғурта

компанияси ва бошқа кўплаб инфратузилмалар ташкил этилди.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилаётир. Шу билан бир қаторда тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун бир неча иқтисодий

Навоий вилоятидаги шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган КЎБ нинг аҳоли сонига нисбати



- | | | | |
|--|-------------------|--|----------------|
| | Навоий шаҳар | | Навоий тумани |
| | Зарафшон | | Нурота тумани |
| | Конимех тумани | | Томди тумани |
| | Қизил-тепа тумани | | Учкудук |
| | Навбахор тумани | | Хатирчи тумани |

тадбиркорликка кенг йўл очмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилаётир. Шу билан бир қаторда тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун бир неча иқтисодий механизмлар ёрдамида тадбиркорларга имтиёзлар бериб борилмоқда. Ушбу иқтисодий

механизмлар ёрдамида тадбиркорларга имтиёзлар бериб борилмоқда. Ушбу иқтисодий механизмлардан: кредит механизми, солиқ механизми ва бошқа механизмларни такомиллаштириш орқали тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳозирги замон талабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш халқаро тажрибасини ўрганиш асосида унинг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиш мумкин:

1. Молиявий қўллаб-қувватлаш қуйидагиларни қамраб олади:

- сармоя тўплашга қўмаклашиш;
- пасайтирилган фоизли ставкада имтиёзли кредитлар бериш;
- махсус дастур доирасида ёрдам маблағи бериш;
- кредитларнинг давлат томонидан кафолатланиши.

2. Солиқ имтиёзлари бериш.

3. Баъзи мамлакатларда кичик корхоналарни ривожлантириш тажрибасига кўра, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг ролини ошириш мақсадида жадаллаштирилган амортизация усулини қўллаш.

4. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш соҳасида қўмаклашиш, техникавий ва бошқарув ёрдами кўрсатиш тадбирлари тизимини шакллантириш.

5. Кичик корхоналарнинг давлат буюртмаларини амалга оширишда иштирок этиши, айнан:

- давлат битимлар тузиш тизимини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини тайёрлашда;
- корхоналарнинг барча турлари учун рақобатнинг тенг шароитини яратишда;
- иқтисодиёт таркибий тузилишидаги ўзгаришларга мослашишда кичик бизнесга ёрдам кўрсатишда.


6. Йирик фирмалар билан битимлар тузишга қўмаклашиш.

Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалда кичик ва хусусий корхоналарни тузиш ва кенгайтириш учун моддий-техник шароитлар яратишни кўзда тутлади. Шу мақсадларда тадбиркорликни ишлаб чиқариш-техникавий мақсадлардаги маҳсулотлар билан таъминлаш учун республикада хусусий сектор корхоналари эҳтиёжи ва имкониятларига жавоб берадиган ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши лозим бўлади. Йирик давлат

корхоналари қаторида кичик корхоналарнинг ҳам давлат тасарруфидаги ишлаб чиқариш объектлари инфратузилмасига, ер участкаларига ва ижара шарти билан давлат ишлаб чиқариш қувватларига, ҳукуматлараро битимлар ва шартномалар бўйича марказлашган усулда келтириладиган ишлаб чиқариш техникавий маҳсулотларига эришишларига ҳақиқий тенг имконият яратиш муҳимдир.

Бугунги кунда Республикамиз бўйича жами 5,3 млн. киши ёки иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 57,2 фоизи бевосита КЎБ ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида фаолият юритмоқда. Шунингдек, КЎБ соҳасидаги банд бўлган 57 фоиз аҳоли томонидан республикамизнинг 33,2 фоизи ЯИМ ишлаб чиқарилмоқда. Шулар жумласидан

2003 йил январ-август ойларида КЎБ субъектларига ажратилган кредитлар



Навоий вилоятида ҳам кейинги 2003 йил 8 ой мобайнида КЎБ сони 9887 ва аҳоли сони 802,2 минг та бўлиб жами аҳоли сонининг 12,3 фоизини ташкил этади. Шу жумладан, шаҳар ва туманлардаги КЎБнинг аҳоли сонига нисбатан қуйидаги диаграмма орқали кўриб чиқиш мумкин.

Шундай экан, Навоий вилоятининг шаҳар ва туманларида КЎБ субъектлари аҳоли сонига нисбатан энг кўп Навбаҳор (14%), Конимех (13%) ва Нурота туманларида (11%) рўйхатга олинган. КЎБ ни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмларидан бири молиялашдан иборатдир. Навоий вилоятида фаолият юритувчи КЎБ субъектларининг молиявий маблағлар билан таъминланганлигини таҳлил қиладиган бўлсак ҳар

бир шаҳар ва туманларнинг КЎБ субъектларига 2003 йил 8 ой мобайнидаги кўрсаткичларга қараганда қуйидагича маблағ тўғри келар экан. Бундан кўриниб турибдики энг кўп молиявий маблағ билан таъминланганлик даражаси Навоий шаҳри (36%), Конимех тумани (15%) ва Зарафшон шаҳарлари (9%) экан.

Лекин шуни хулоса қилиб айтиб ўтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизми ва уни такомиллаштириш кўпинча молиявий маблағлар орқали амалга оширилади. Бу кўрсаткич Навоий вилоятимизнинг баъзи бир шаҳар ва туманларда оз миқдорда молиявий маблағлар сарф этилган бўлсада, аҳоли сони, КЎБ субъектларининг сони кўп бўлиб, асосий тадбиркорлик фаолияти ҳам яхши ташкил этилган. Бундан ташқари барча КЎБ субъектларини сармоя тўплашга кўмаклашиш ишлари, пасайтирилган фоизли ставкада имтиёзли кредитлар бериш, махсус 2002-2003 йил дастури доирасида ёрдам яъни маблағ бериш ташкиллаштирилган ва барча бериладиган кредитлар давлат томонидан кафолатлангандир. Вилоятимизда КЎБ субъектларига солиқ имтиёзлари бериш орқали ҳам қўллаб-қўлланиб келинмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотларни асос қилиб олган ҳолда биз қуйидагиларни таклиф этамиз:

-ҳар бир шаҳар ва туманларнинг КЎБ субъектлари ва аҳоли сонига нисбатан кредитлар ажратишга эътибор бериш;

-иложи борича кредит фоиз ставкаларини камайтириш;

-фаолиятини энди бошлаган КЎБ субъектларига кредит беришда фоизларини тўлашларини иложи борича маълум муддатда кечиктириш ишларини кўриб чиқиш;

-КЎБ субъектларига кредит бериш жараёнида кредитларнинг мақсадга йўналтирилганлигига қараган ҳолда кредитлар ажратишга эътибор бериш ва берилган кредитларни сарфланганлиги бўйича назорат ишларини олиб бориш.

Ушбу кўрсатиб ўтилган таклифларимизнинг барчаси Навоий вилоятида КЎБни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг молиявий механизмини такомиллаштириш заруратидан келиб чиққан. Агарда барча таклифлар амалга оширилса, КЎБ ривожлантиришда ва давлатимизнинг иқтисодиётини янада кўтариш учун ҳам анча самарага эришган бўлар эдик. Масалан, ЯИМ ишлаб чиқариш, бюджетимизга тушадиган солиқ тушумларининг кескин кўпайишига олиб келар эди ва шу билан бир қаторда ишсизлар сони маълум миқдорда бўлсада камайишига олиб келади.

ТАРМОҚЛИ МАРКЕТИНГ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

УДК 622

Ў Хуррамов О.К., Бақоев Х.Н. 2004 й.

Хуррамов О.К., НДКИ "Иқтисодиёт ва менежмент" каф. ассистенти,
Бақоев Х.Н., НДКИ "Иқтисодиёт ва менежмент" каф. ассистенти

Бозор муносабатларининг равнақ топишида, эркин рақобат ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда маркетинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Замонавий маркетингнинг янги турларидан мультитарафли даражали маркетинг ("Multi-Level-Marketing"(MLM), "Многоуровенный маркетинг"(МЛМ)) сотувнинг энг тараққий этган кўриниши саналиб, кўп даражаларни қўллайдиган маркетинг системасини англатади. Иқтисодий адабиётларда уни тармоқли (сетевой) маркетинг деб атала бошланди [1].

Тармоқли маркетинг – ўз моҳиятига кўра, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача энг қадимги усул – инсонларнинг ўзаро алоқаси орқали етказиш ҳисобланади.

Тармоқли маркетинг пайдо бўлиши ўзининг ажойиб тарихига эга. Ёш америкалик олим Карл Ренборг: "Инсон саломатлиги унинг истеъмол

қилаётган нарсасидан эмас, балки айнан истеъмол қилмаётган нарсасига боғлиқ", – деган фикр юритади. Бу фикр уни машҳур қилишга сабаб бўлди. Айнан кимё фанлари доктори Карл Ренборг дунё бўйича биринчи биологик фаол овқат қўшмасини ихтиро этди ва ўзининг дўстлари, танишларига: "Бу маҳсулотларни ўз танишларингизга, ўртоқларингизга таклиф этинг. қачонки улар сиздан сотиб олган пайтда мен сизларга воситачилик ҳақини тўлайман", – деган эди. Бу тизим тезда ишлаб кетди ва тармоқли маркетинг концепциясини қўллаб бошлаган биринчи компания – "California Vitamins" АҚШнинг Калифорния штатида 1940 йил охирида вужудга келди.

Кейинчалик бу компания "Nutri life Products, Inc" деб атала бошланди. Бу компания ҳеч қачон сотув ходимларини ёлламаган. Бунинг ўрнига компания

бошлиғи махсулотни реализация қилиш учун бутун улкан мустақил дистрибьютерлар гуруҳини жалб қилди. Бундай тизим орқали ҳеч қандай ойлик, иш ҳақи, ҳеч қандай бошлиқ ва унга тобе ходимлар, ҳеч қандай идора, ижара ҳақи, реклама каби харажатларсиз ҳам бутун бир савдони юритиш мумкин эди. Барча ишларни дистрибьютерлар бажаришарди. Улар махсулотни ўзлари истеъмол қилишар, ҳамда бошқаларга таклиф этишар эди, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам истеъмолчи, ҳам сотув бозорининг ташкилотчиси эдилар.

1959 йил бу компаниянинг икки омадли дистрибьютерлари Рич Де Воз ва Джей Ван Эндел "Amway Corporation" компаниясини яратишади. "Nutri life Products, Inc" эса ҳозиргача "Amway"нинг бир тармоғи сифатида фаолият кўрсатмоқда. 1960 йили Oriflaine, Mary Kay ва бошқа биринчи рақобатчи компаниялар вужудга келди. 1975 йили АҚШнинг Федерал Савдо Комиссияси Де Воз ва Ван Энделни ноқонуний савдо усулида айблади. Тўрт йил давомида яшаб қолиш учун кураш давом этди. Охир оқибат, бу кураш тармоқли маркетингнинг ажойиб ғалабаси билан якунланди ва у қонуний бизнес сифатида тан олинди. Ҳуқуқий мақом берилгандан сўнг бутун дунё бўйлаб компаниялар шиддатли ўсиб бора бошлади. 1979 йилдан 1983 йилгача 5 млн.дан ортиқ киши тармоқли маркетинг компанияларида ишлар эди. Бу бизнес стратегиясини қўлловчи Herbalife, Zepher, New Ways ва бошқа юзлаб компаниялар вужудга келди. Ҳали тажриба бўлмасда, уларни орзу ва имкониятга мужассамлашган, ҳеч нарса билан бузиб бўлмас ишонч туйғуси қамраб олган эди.

Дунё бозоридаги эволюцион жараёнлар тармоқли маркетингни ҳам четлаб ўтмади. Дистрибьютерлар ва компания ўртасида коммуникация (алоқа) нинг самарали воситалари мавжудлиги тармоқли маркетинг омадли ривожланишининг асосларидан бири саналди. Унинг сифати ўзгариши бу соҳада 1985 йилдан 1995 йилгача бўлган ҳаққоний ўсиб кетиши билан амалга ошди. Факс, пейжер, уяли телефон, ксерокс, электрон почта, интернет, телеанжуман каби янгиликлар кириб келиши бутун дунё бўйлаб тармоқли маркетингнинг инсон бовар қилмас даражада юксалишига олиб келди. Натижада янгича иш юритувчи кўплаб компаниялар вужудга келмоқда.

Бугунги кунда тармоқли маркетинг – махсулот сотишнинг энг новаторлик шаклларида бири саналади. У нафақат АҚШда ҳаққоний тан олинди, балки Канада, Буюк Британия, Австралия, Германия, Япония, Франция, Италия, Россия каби мамлакатларда тан олинди, кенг тарқалди.

Жуда кўп жаҳон номларига эга бўлган "Coca-Cola", "Colgate", "Gillette", "Visa", "Lipton", "Ford", "Canon", "Sharp", "Xerox" каби компаниялар аллақачон тармоқли маркетинг имкониятларини

англаб етган ва ўз фаолиятларида бу стратегиядан кенг фойдаланмоқдалар [2].

Ҳозирда тармоқли маркетинг компанияларда 25 минг турдаги махсулот ва хизматларни қарийб 25 млн. киши ўзига асосий касб қилиб фаолият юритмоқда.

"Upline" (АҚШ) журналида таъкидланишича, тармоқли маркетинг АҚШ экспортининг етакчи турларидан бири саналади, ҳамда сайёрамизнинг 125 дан ортиқ мамлакатида гуллаб яшнамоқда.

Йирик тармоқли маркетинг компаниялари энг тез ва омадли ўсадиган компаниялари рўйхати (Fortune's list)га киритилган, уларнинг акциялари Нью-Йорк фонд биржаси (NYSE)да котировка қилинади.

АҚШда 1500 дан ортиқ тармоқли маркетинг компаниялари мавжуд бўлиб, уларнинг бир нечаси мультимиллион айланмага эга. Айнан тармоқли маркетинг орқали АҚШнинг 20% миллионерлари ўз бойликларига эришишган. Тармоқли маркетинг Гарвард каби машхур бизнес мактабларда ўқитилмоқда, "Станфорд Ресеч" ва "Уолл Стрит Джорнал"да таъкидланишича, янги асримизнинг бошларидаёқ, дунёдаги барча товар ва хизматларнинг 50–65% и айнан шу усул бўйича сотилиши мумкин [1].

Тармоқли маркетингнинг жадал суръатлар билан хайратли даражада ўсиши билан бирга, афсуски бу янги тизимнинг шуҳрат эътибори унчалик юқори эмас. Бунга асосий сабаб, айниқса ривожланаётган мамлакатларда минглаб инсонларни хонавайрон қилган "молиявий пирамида"ларнинг ҳийла-найранглари инсон онгига сингиб қолгани ва "жабрланганлар" бу янги тизимни "молиявий пирамида" деб ўйлашларидир. "Молиявий пирамида"ларга Россияда фаолият кўрсатган "МММ" аж, Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатган "Тойир банк" каби корхоналар мисол бўла олади.

Ана шундай пирамиданинг ташкилий шаклини доктор Дин Блек яхши таърифлаган. Унинг айтишича, махсулот ва хизматларни тарқатувчи хоҳлаган фирма ёки ташкилот маълум бир ўсиш босқичида пирамида шаклидаги тузилмани кўринишни олади. Бу пирамида доимо қуйига ошиб борувчи кўп миқдордаги даражалардан иборат. Ҳукумат ва мактаблар, барча яхши ривожланаётган фирма ва компанияларнинг ҳаммаси пирамидадир. Куч кўп даражали пирамидаларга қуйидан боради, ўрнига эса ҳақиқий ҳаракат ва хизматлар кўринишида юқоридан натижалар келади. Бу пирамида қонунияти саналади. Пирамида қонунияти бузилса, сифат ўзгариб, у ноқонуний пирамидага айланади. Тармоқли маркетинг "ноқонуний пирамида" эмаслигини аниқлаш учун ўн йиллардан бери мавжуд бўлган мамлакатлардаги қонунларга муурожаат этамиз.

Масалан, АҚШ қонунчилигига кўра, бизнес куйидаги хусусиятларга эга бўлса, ноқонуний пирамида бўлади:

1. Дастур иштирокчиси янги дастур аъзоларини жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши учун инвестиция киритиши керак.

2. Дастур иштирокчиси янги дастур аъзоларини жалб этганининг далили учун пул мукофоти олади.

3. Дастурнинг янги аъзолари фақат дастурнинг бошқа аъзоларини жалб қила туриб, пул ишлайдилар.

Бу уч талабнинг барчаси жуда муҳим ва биргаликда бизнесни ноқонуний пирамида сифатида тан олишга етарли ва зарурий шартлар яратиб беради. Шунингдек, "Хатлар занжири" ҳам ноқонуний пирамидага мисол бўлади. Бунда ҳар бир қатнашчи қолган 5 кишига 5 доллардан пул юбориши ва яна 1000 та хат ёзиб, пуллар оқимини кутиши керак.

Ҳозирги кунда АҚШнинг 50 та штатида тармоқли маркетинг компаниялар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган [2].

Ҳақиқий тармоқли маркетинг компанияси жаҳон бозорига тарқатишнинг ҳар қандай тизимларидан ҳоли, ўз кадр-қиммати эга бўлган, аниқ маҳсулот ёки хизматларни таклиф қилади. Улар дистрибьютерлар томонидан чакана фойда олиш мақсадида сотилиши мумкин. Шунингдек, компания дистрибьютерларга бизнес режада қатнашиш учун бошқа одамларни жалб қилиш ҳуқуқини беради. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, дистрибьютер янги аъзоларни жалб қилгани учун тўғридан-тўғри пул олмайди, балки пул янги дистрибьютер ўз истеъмоли ёки чакана сотуви учун компанияга маҳсулот буюртмасини берганидагина пайдо бўлади.

Одатда янги келганларга компания бизнес тўғрисида китоблар, реклама брошюралари, видео ва аудио кассеталари, маркетинг режа тафсилоти, шартнома қоғозлари, керакли ҳужжатлар тўпламини таклиф этади. Бу тўплам компания томонидан дистрибьютерларга ўз нархи ёки ундан арзонроқ нархда сотилади.

Маълумки, қонуний компанияларнинг аниқ мақсади имиджни сақлаб қолган ҳолда, дистрибьютерлар билан узоқ муддатли шерикчилик

алоқаларни ўрнатиш, ҳамда барқарор сотув тизимини яратишдан иборат.

Иқтисодчилар фикрича, тармоқли маркетинг франчайзинг босиб ўтган йўлдан бормоқда. Франчайзинг – лицензиялашнинг кўриниши бўлиб, бунда сотувчи ўзининг ишбилармон харидорига ўзининг савдо маркаси ва ишлаётган ишлаб чиқариш тизимини таклиф этади. Ўша пайт «Mc Donald's ва Midos Mutter» каби бир неча журъатли компаниялар, жуда катта маблағни қурилиш, янги сотув нуқталарини очишга сарфламасдан, анча тез ўсишга имкон бўлишини тушуниб етдилар, ҳамда бу вазибаларни мустақил фирмаларга юкладилар. Тахминан 50 йил олдин франчайзинг Американинг кўпгина аҳолиси қарши бўлган илдам ғоя эди. Оммавий ахборот воситаларида фаолиятнинг бу турини қоралаб, франчайзинг билан шуғулланаётганларнинг пулларидан ажралиб қолаётганлиги ҳақида қўрқинчли ҳикоялар чоп этилар эди. Ўз навбатида АҚШнинг франчайзингга алоқадор кўпгина етакчи компаниялари ўзларининг беғуноҳ эканликларини исботлашар эди. Ҳатто бу иш конгрессгача бориб, франчайзингни таъқиқлаб қўйишга бир нечагина овоз етмай қолган эди. Ҳозирда эса, АҚШ ялпи миллий даромадининг учдан биридан кўпроғини айнан шу франчайзинг бермоқда.

Қанчалик янги ғоялар илғор бўлмасин, шунчалик уларга қарама-қаршилиқлар кўп бўлади. Ҳаётийлик даврида тан олинмаган ажойиб физик, астроном, рассомларни эслайлик. Лекин вақт ҳаммасини жой-жойига жойлаштиради. Йигирма йил олдин тушунолмай, ҳайрон қолдирган уяли телефон, пейджер, интернет, электрон почта, видеоанжуман каби янгиликлар, бугунга келиб одатий, такрорланмас, заруратга айланмоқда. Агарда тармоқли маркетинг шиддатли илдам қадамлар билан ўсиб бораверса, тез орада сайёрамиз аҳолиси турли тармоқли маркетинг компанияларининг ёки мижозлари ёки, дистрибьютерларига айланишлари мумкин.

Шундай қилиб, тармоқли маркетинг сотувнинг тараққий этган кўриниши саналиб, буюк келажакка эга. Бу жараён кўпчилик жиҳатдан ХХI аср иқтисодиётининг кўринишини аниқлаб беришга ўз ҳиссасини қўшади.

Адабиётлар:

1. Федько В.П., Федько Н.Г. Основы маркетинга – Ростов-на-Дону: МарТ, 2001. 260-274

2. Грейсон Дж., О'Делл К. Американский менеджмент на пороге XXI века – Москва: Экономика, 1991. –63

ИҚТИСОДИЁТДА АГРАР СОҲАНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

УДК 622

О Ҳакимов А.А. 2004 й.

Ҳакимов А.А., НДКИ "Иқтисодиёт ва менежмент" каф. ассистенти

"Қишлоқни ислоҳ қилиш жараёни ихтиёримиздаги энг катта бойлик бўлган ернинг чинаккам эгасини тиклаш, деҳқонда умид туғдириш, унинг турмушини янада тўкинроқ қилиш вазифасидан келиб чиқди"

И.А. Каримов

Ўзбекистонда бозор муносабатлари аста-секин изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мамлакат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган аграр соҳада бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш масаласини ҳал қилмай туриб, республика тараққиётини тасаввур қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда аграр тармоқ ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда, мамлакатимиз ишлаб чиқаришида интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиғи муайян тарзда бевосита шу тармоқ билан боғлиқ. Аграр соҳа маҳсулоти мамлакатга валюта тушумларининг 55% дан ортиғини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда экспорт таркибида улуши пасайиб бораётган бўлса-да, юқори улушга эга бўлган пахта толасининг ўзи 2001 йилда экспорт ҳисобидан таҳминан 788 млн АҚШ доллари ҳисобида мамлакатга чет эл валютаси киритилди, бу миқдор шу йилдаги жами экспорт миқдорининг 24,6 фоизини ташкил қилади.

Ижтимоий соҳадаги аграр тармоқнинг таъсирини мамлакатнинг қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолиси катта қисмининг, балки бутун республика аҳлининг турмуш даражаси, унинг моддий фаровонлиги аграр соҳадаги ишларнинг аҳволига, уни ривожлантиришнинг тезкорлиги ва самарадорлигига боғлиқлиги билан изохлаш мумкин.

Жамиятимизнинг умуман янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан аграр соҳада ислохотлар нечоғли самарали кечаётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига нечоғли чуқур кириб бораётгани билан боғлиқ. Шунингдек, аграр соҳа мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлигини назарда тутиб, бу соҳа тараққиёти хорижий мамлакатлар ўртасидаги сиёсий вазиятга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Аграр соҳанинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини инobatга олиб, ҳукуватимиз бу соҳани ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратди, бунинг натижасида соҳада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Авваламбор, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий

асослари барпо этилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган "Ер тўғрисида"ги, "Кооператив тўғрисида"ги, "Ижара тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ва ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукуват қарорлари қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорликни, фермер ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш имконини яратди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ижтимоий таркиби тубдан ўзгариб, соҳада нодавлат секторнинг улуши 98 фоизга етди.

Қишлоқда хўжалик юритиш механизмининг мутлақо янги асослари, қишлоқ хўжалигини молиявий таъминлаш ва суғурталаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа берилган қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи, минерал ўғитлар учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг янги тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Аграр соҳада маҳсулотларни сотиб олиш, хизматлар, ўзгаришлар амалга оширилди, бу соҳани бошқаришнинг тамойиллари ва тизими ўзгарди. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришнинг таркибини такомиллаштириш, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашини таъминлаш мақсадида ягона қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Аграр секторда агросервис хизмати кўрсатиш ва уларнинг моддий техник таъминотини таъминлаш тизими такомиллашди. Бу борада машина-трактор парклари тармоғи вужудга келганини ижобий ўзгариш дейиш мумкин.

Қишлоқда бозор инфратузилмасининг бир неча кўринишлари намоён бўлди. Ихтисослаштирилган тижорат банклари – "Пахтабанк", "Ғаллабанк", "Мевасабзавотбанк", "Тадбиркорбанк", "Туронбанк", "Заминбанк" банклари тузилди. Улар фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарга хизмат қилмоқда. Қишлоқ корхоналарини табиий офатлардан ва уларнинг ўз шериклари билан муносабатларини суғурта қилувчи "Узагросуғурта" компанияси ташкил этилган.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида сезиларли даражада таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Умумиттифоқ меҳнат тақсимооти деб аталган ва эски тоталитар тузумдан мерос қолган пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилди. Натижада кейинги йилларда ғалла мустақиллигига эришилиб, илгари мамлакатга четдан олиб келинадиган картошка, қанд лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш анча кўпайди.

Республика ер фондини ривожлантириш ва кўпай-

тиришга, ернинг ҳосилдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳар йили 15-25 минг гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди ва 40-50 минг гектар аввалдан фойдаланиб келинган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Мустақиллик йиллари давомида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар бу устувор тармоқда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди.

Аҳолига қўшимча равишда 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди. Деҳқончилик, фермер хўжаликлари ва шахсий томорқа ерларининг умумий майдони 700 минг гектарни ташкил этди. 1994 йилда деҳқон (фермер) хўжаликларнинг сони 1,9 марта, яъни 25 минг тадан ошди. 1066 давлат хўжалиги мулкнинг ҳиссадорлик, жамоа ва ижара шаклларига айлантирилди. 1500 дан ортиқ фермалар меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди. Айтилган ижобий натижаларга қарамасдан, аграр соҳада ўтказилаётган ислохотларнинг бориши, чуқурлашуви ва самарадорлигига айрим муҳим омил ва имкониятларнинг ҳали ишга солинмаганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай омил ва имкониятларга, авваламбор, қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни, мулк эгаларини шакллантириш йўли билан ерга, мулкка, меҳнатга муносабатни ўзгартиришга ҳали эришилгани йўқ.

Шунингдек, бозор механизми ва омиллари ҳали қишлоқда етарлича ривожланмаган. Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганларнинг ўз меҳнати натижаларидан, унинг самарадорлигини оширишдан манфаатдорлиги яхши йўлга қўйилмаган. Бу соҳада ҳали хўжалик юритишнинг серхаражат механизмидан воз кечилмаган, натижада ишлаб чиқаришда, маҳсулот таннархида номутаносибликни юзага келиб, моддий харажатларнинг ишлаб чиқариш натижаларида ҳаддан ташқари катта бўлишига олиб келмоқда.

Маҳаллий бошқарув органларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига аралашуви оқибатида қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий ва технологик мустақиллиги йўлига сунъий тўсиқлар қўйилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, уруғчилик ва чорвачиликда наслчилик муаммоларига етарли эътибор берилмапти. Қишлоқ хўжалиги экинларини

парваришда агротехника талаблари бузилиб, уруғчилик ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда, бу эса пахта, дон ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш имконини бермапти.

Аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим омиллари қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

1. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш технологияси - суғоришнинг ноанъанавий усулларида фойдаланишни кенг жорий қилиш, ўтказиладиган агротехник тадбирларнинг сифатини, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришиш лозим.

2. Селекция ишларини тўғри йўлга қўйиб олиш лозим. Ҳар бир туман ва хўжалик табиий иқлим шароитини инобатга олиб, ўсимликларнинг қайта ишланган, ҳосилдорлиги юқори уруғ навларидан фойдаланиш зарур.

3. Ҳар бир экин ўз табиатига мос равишда агротехнологияга амал қилишини инобатга олиб, тупроқни вақтида экишга тайёрлаш, экиш муддатларини тўғри белгилаш, ерга зарур миқдорда ва мутаносиб равишда минерал моддалар ва ўғитлар солиш, ўз вақтида суғориш ҳам ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олиш зарур.

4. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва химиялашга катта эътибор бериш лозим, бу икки йўналиш соҳада иқтисодий самарадорликни оширишнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

5. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва ташкил этиш масалаларига катта эътибор бериш зарур. Ҳар бир хўжалик, қишлоқ хўжалик корхонаси имкониятидан келиб чиқиб, энг юқори самара берадиган тармоқни белгилаб олиш зарур.

6. Қишлоқ хўжалигида пайчилик муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, деҳқоннинг ерга, мулкка, бутун жамоа олган даромаднинг бир қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлаш, аграр соҳадаги кўплаб ҳиссадорлик жамиятлари шаклида фаолият юритадиган корхоналар сармоядорлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, корхона фаолияти тўғрисида кенг ахборот бериш лозим.

7. Аграр соҳа корхоналари ўртасида боғланишни кучайтириш, маҳсулотларни айирбошлаш, хизмат кўрсатиш жараёнида шартнома шартлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш зарур.

ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИНГ АҲАМИЯТИ

УДК 622

Ó Болтаев Ш.Ш. 2004 й.

Болтаев Ш.Ш., НДКИ "Иқтисодиёт ва менежмент" каф. ассистенти

«Кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққиётимизда устувор ўрин олиши даркор. Ялли ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли

фаровонлиги ва даромадлар орттиришида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим».

И. А.Каримов

Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётга эришиш мақсадида кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантиришга энг долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес нафақат хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, балки давлатлар миқёсида ҳам макро-иқтисодий барқарорликка эришишдаги қудратини намоён этмоқда. Давлатга қарашли бўлмаган ва янгидан дунёга келаётган тузилмаларни ривожлантириш, рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришга, бозор муносабатларини янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Кичик ва ўрта бизнес ҳар бир кишига ўз ишини ташкил қилишида ўзини синаб кўришга, истейдодини ва бор имкониятларини намоён қилишига имкон берувчи ғоятда муҳим манбадир. Бу манба шарофати билан катта сармоя сарф қилмасдан ҳам жуда кўп миқдорда ишчи ўринларини вужудга келтириш, шаҳарларда ҳам, шунингдек қишлоқ жойларида ҳам аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш мумкин.

Ихчам технология ускуналари билан жиҳозланган кичик корхоналарни ривожлантириш ҳисобига қисқа муддат ичида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни авж олдириш, бу билан ички бозорни тўлдириш мумкин. Кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка республикаимзни иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришни таъминлайдиган омил деб қараш керак. Айнан шу сектор энг ҳаракатчан, энг ташаббускордир. Агар хусусий секторнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилса, у иқтисодиётимизни тангликдан олиб чиқишга қодирдир.

Республикаимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида қуйидагилар амалга оширилди: биринчидан, кичик ва ўрта бизнес фаолиятини таъминловчи меъёрий – ҳуқуқий асослар яратилди; иккинчидан, кичик ва ўрта бизнес тармоғини ривожлантиришда устувор йўналишлар белгиланиб, у давлат томонидан қўллаб – қувватланмоқда; учинчидан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб – қувватлаш учун давлат дастури ишлаб чиқилди ва уни амалда жорий этиш такомиллашиб бормоқда; тўртинчидан, кичик ва ўрта бизнес фаолиятини рағбатлантириш борасида давлат идоралари, бюджетдан ташқари фондлар, халқаро фондлар, инвесторлар томонидан қулай имтиёзлар яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кичик ва ўрта корхоналарнинг энг жиддий устиворликларидан бири, уларнинг йирик корхоналар учун самарасиз бўлган жойларга кириб бора олиш қобилиятидир.

Хўш, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланган давлатлар иқтисодиётида тутган ўрни қанақа?

БМТ маълумотларига кўра, жаҳон хўжалик тизимида кичик ва ўрта корхоналар дунёдаги жами ишга яроқли аҳолининг 50% ини иш билан таъминлайдилар. Айни пайтда ушбу соҳадаги

ишлаб чиқариш ҳажми жами маҳсулотнинг 33-68% ини ташкил этади. Бундан ташқари 1997-1999 йиллар мобайнида АҚШ да кичик корхоналар 4,1 млн. янги иш ўринларини яратдилар. Кичик ва ўрта корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши Буюк Британияда 50-53%, АҚШ да 50-52% , Европа Иттифоқи мамлактларида 63-67% ини ташкил этади.

Кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти қандай кўрсаткичларда ифодаланади? Унинг иқтисодиётга тутган ўрнига баҳо беришда, энг аввало, иқтисодий ўсиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорий кўрсаткичларга асосий эътибор бериш керак. Бундай кўрсаткичлар жумласига кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулот, жами иш билан банд бўлганлар, капитал қуйилмалар, экспорт ва бошқалардаги улушини киритиш мумкин. Шу билан бирга, мамлакатдаги кичик ва ўрта корхоналарнинг умумий сони ва минг кишига тўғри келадиган кичик ва ўрта корхоналар сони ҳам мазкур секторнинг ривожланганлик даражаси тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик етакчи мавқе эгаллайди. Шу боисдан ушбу соҳани ривожлантиришга иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хос таркиби ва ривожланиш даражаси, халқимиз менталитети, қулай табиий шарт-шароит ва бойликлар, катта ишлаб чиқариш салоҳияти ва меҳнат ресурслари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратади.

Мамлакатимиздаги мавжуд демографик вазият ҳам ушбу соҳани кенг ривожлантиришни тақозо этмоқда. Республикаимизда ҳар йили меҳнатга лаёқатли аҳоли 200-230 минг кишига кўпаймоқда. Аҳолининг 60% дан ортиғи қишлоқ жойларида яшайди. У ерда ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳолининг улуши шаҳарларга нисбатан анча юқори. Қишлоқ аҳолисини фақатгина қишлоқ хўжалигида банд қилишнинг имкони йўқ. Аҳолининг қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик корхоналар, хусусий фирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил қилиш хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқалигина иш билан таъминлаш мумкин.

Ўзбекистонда бу соҳада аҳолининг 53 фоизи банд бўлиб, ялпи ички маҳсулотда кичик ва ўрта бизнеснинг улуши 25 фоизни ташкил этади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари катта маблағ талаб этмайди ва ресурслар ўсиш тезлигини кафолатлайди. Улар иқтисоддаги қайта тузилишлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни нисбатан тез ва ортиқча сарф-ҳаражатларсиз ечиш, ички бозорни молиявий ресурслар чегараланган

бўлишига қарамай, истеъмол моллари билан тўлдириш имконига эгадир.

Кичик ва ўрта бизнес мамлакат фуқароларининг моддий турмуш даражасини юксалтиради. Аҳоли меҳнат фаоллигининг ўсиб бориши, кишиларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги ортиши асосида мамлакат иқтисодий ривожланади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай туриб, ялпи иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмайди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртача ўз меҳнати эвазига оиласини ва бошқаларни боқишга қурби-қудрати етадиган кишилар ҳисобланади. Ана шундай кишилар ривожланган мамлакатлар аҳолисининг асосий қисмини ташкил этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётда муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаради. Бу вазифаларнинг энг асосийларидан бири шундан иборатки, кичик ва ўрта бизнес жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи ўрта синфнинг шаклланишига олиб келади. Ҳар қандай жамиятда ўрта мулкдорлар синфи иқтисодиётнинг ривожланишида ўзига хос ўрин тутаяди. Кичик ва ўрта бизнеснинг яна бир муҳим вазифаси истеъмол талабининг табақаланиши ва индивидуаллашуви шароитида кенг турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни амалга оширишдир.

Бугунги кунда кенг ривожланмаган кичик бизнесиз замонавий иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. Кичик бизнеснинг ривожланиши бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдиришга тармоқ ва ҳудудий монополизмга барҳам беришга, рақобат муҳити вужудга келиши ва кенгайишига, илмий техника натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, экспорт салоҳияти юксалишига ижобий таъсир кўрсатади. Кичик бизнеснинг яна бир муҳим хусусияти нисбатан кам сарф – харажатлар эвазига янги иш ўринларини яратиши ва шу орқали бандлик муаммосини ҳал этишига ҳисса қўшиши ҳисобланади. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнес турли ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги тафовутларини қисқартиришга, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни самарадорлик даражаси юқори бўлган соҳаларга йўналтиришга, иқтисодиёт турли секторлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшади. Кичик бизнеснинг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири шундан иборатки, у ижтимоий жиҳатдан заиф аҳоли қатламлари – аёллар, ногиронлар, пенсионерлар ва бошқаларни иш билан таъминлайди, ҳамда уларнинг меҳнатидан кенг фойдаланади. Бироқ макрокўламда кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги эришилган муваффақиятлар билан чегараланиб қолмаслик керак. Ушбу секторда ҳали бир қанча ҳал этилиши керак бўлган муаммолар ўз ечимини топмаган. Буларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: 1) бизнес режалар тузишда тажрибасизлик; 2) бозор конъюктураси ва янги технологиялар тўғрисидаги

ахборотнинг тақчиллиги; 3) кичик ва ўрта корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини ташкил қилишда хорижий бозорларни билмаслик; 4) қишлоқ жойларда кичик ва ўрта бизнесни юритиш учун бозорга хос инфратузилманинг секинлик билан ривожланиши; 5) хорижий кредит турлари бўйича кредит маблағларини қайтариш, хом ашё асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар сотиб олиш учун валюта олиш имкониятларининг чекланганлиги.

Дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда ҳам, даставвал кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Бизда ҳам чет давлатлардаги каби кичик бизнеснинг аҳамиятли томонлари эътиборга олиниб, янги иш жойлари ташкил этилиши, иқтисодиёт ўсиш суръатлари белгиланишига, кичик бизнес билан шуғулланувчи омилар иқтисоди мустақамланишига, маҳаллий бюжетнинг мунтазам таъминланиб турилишига, ходимлар тақсимоти жой-жойига қўйилишига, ишсизликнинг олди олинишига ҳамда иштирокчиларнинг қўшимча маош билан таъминланиб турилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва ўсиши, ялпи ишчи кучининг бандлигини, ишсизлик ва унинг даражаси, баҳоларнинг ўсиши, инфляция ва бошқа жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ижобий ёки салбий таъсири остида ўзгариб туради. Ривожланган мамлакатларда ишчи кучининг тўла самарали бандлигини таъминлашда кичик ва ўрта корхоналар тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилаяди.

Масалан: Германияда 2 млн.дан ортиқ кичик ва ўрта корхоналар бўлиб, уларда иқтисодий фаол аҳолининг 75 фоизи машғулдир. Италия иқтисодиётида жами фирмаларнинг 99 фоизини ходимлар сони 100 кишидан кам бўлган фирмалар ташкил қилиб, уларда барча ишловчиларнинг 69 фоизи банддир.

Республикамизда бу соҳада кўрилган чора тадбирлар натижасида ҳозирги кунда хусусий тадбиркорлар сони 3,5 млн.дан ортиқ кишини ташкил қилади. Иш билан банд бўлганларнинг умумий сонидан кичик ва ўрта бизнесда машғул бўлганлар улуши 46,7 фоизга тенг бўлиб, уларнинг 1,8 фоизи ўрта, 5,8 фоизи кичик ва 39,1 фоизи хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келган. Республикамизда давлат томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2005 йилгача бўлган давр мобайнида қўшимча 1215 минг киши иш фаолиятига жалб қилиш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ўсишида кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни беқиёс ва ундан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш лозим.



ЎТИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МОЛИЯ ТИЗИМИ

УДК 622

О Эшниёзова Ш.М., Болтаев Ш.Ш. 2004 й.

Эшниёзова Ш.М., НДКИ "Иқтисодиёт ва менежмент" каф. кат. ўқит.,
Болтаев Ш.Ш., НДКИ "Иқтисодиёт ва менежмент" каф. ассистенти

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар даврида жуда кўп муаммоларга дуч келади. Бу муаммолар асосан иқтисодиётга туб ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ вазиятда юзага келади. Бир шаклдаги иқтисодий тизимдан иккинчи бир иқтисодий тизимга ўтиш, унинг механизмларини тўла шакллантириш узоқ даврни талаб қилади. Худди шунингдек Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш ва ижтимоий муҳитни талофатларсиз олиб ўтишда ислохотлар босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Молиявий муносабатлар иқтисодиётни тартибга солувчи кенг имкониятларга эга бўлган асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Тақсимлаш муносабатларини маълум бир қисмини ўзида қамраб олувчи молиявий жараён иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга таъсир кўрсатиш жиҳатдан салоҳиятли имкониятларга эга. Молия механизмнинг мамлакат иқтисодиётидаги, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришдаги, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги, аҳоли турмуш даражасини кўтаришдаги роли молиявий муносабат ва жараёнлари қай даражада ташкил этилишига боғлиқ. Давлат молиявий механизмлар ёрдамида иқтисодиётнинг фан-техника тараққиётини, ишлаб чиқаришни тартибга солади, жамиятни кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож табақаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилади.

Давлат молияси - ўз иқтисодий моҳиятига кўра, ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида пайдо бўладиган пул муносабатларини йўлга қўяди. Ижтимоий таъминот, мудофаа, бошқарув учун фойдаланадиган ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ жамият бойлигини бир қисмидир.

Республикамизда ҳам мустақил, алоҳида Респу-

бликамизда ҳам мустақил, алоҳида мамлакат сифатида ривожланган, бошқа мамлакатларнинг тажрибалари ҳисобга олинган, ўзимизнинг шароитларимизга мос келадиган, бировлардан тўғридан-тўғри кўчирилмаган, ўзимизга хос молия тизими ташкил қилиниб, шакллантирилмоқда ва келажакда иқтисодий-ижтимоий барқарорликни таъминлашга қараб йўналтирилган ҳолда такомиллаштирилмоқда. Шу қисқа давр ичида молия, кредит, суғурта ва бошқа соҳалар шакллантирилиб, улар воситасида мураккаб хўжалик ва ижтимоий жараёнларни мувофиқлаштириш моҳирлик билан йўлга қўйилди.

Молия тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришга эътиборини қаратмаган мамлакатларга қараганда молия тизими етарли даражада ривожланган мамлакатларда иқтисодий ҳолсизлик ҳолатларидан осонроқ чиқилади ва иқтисодиётнинг ривожланишига юқорида даражада натижаларга эришилади.

Молия тизимини ривожланганлик даражаси унинг қуйидаги функцияларни бажариш қобилиятининг хусусиятларига қараб белгиланади:

- жамғармаларни йиғиш ва жойлаштириш;
- ликвидликни (тўлов қобилияти) таъминлаш;
- инвестицион ресурсларни самарали тақсимлаш ва таваккални баҳолаш;
- пул маблағлари фойдаланувчилари назорати ва мониторинги;
- ҳисоб-китоб ва касса операцияларини амалга ошириш.

Иқтисодиётда молия тизимининг ҳиссаси унинг хизматлари миқдори ва сифати, ҳамда уларни етказишдаги самарадорликларга боғлиқ бўлади. Молиявий хизматлар иқтисодиётда маҳсулот ва хизматларнинг кўпайишига арзонроқ ва таваккалчилик даражаси пастроқ бўлган кредит олишга ёрдам беради.

Молия тизимини ривожлантириш йўналишлари қуйидаги асосий омиллар билан аниқланади: технологик ривожланиш, аҳолининг фаровонлигини ўсиши, давлатнинг мувофиқлаштирувини мулкчилик ҳуқуқларининг ўзгартириш ва молия ресурсларига ҳақиқий иқтисодий сектор томонидан бўлган эҳтиёжларни ўзгартириш.

Ҳозирги даврда технологик ривожланишга эришиш деганда шуни тушунсак бўладики, ёппасига, телекоммуникацион ва компьютер технологияларни қўллаш, бунда операцияларни амалга ошираётганда оператив сарф-харажатлар камаяди, кетказилаётган маҳсулот ва хизматларни кенгайтириш билан, глобаллашув жараёнини тезлашади.

Аҳоли фаровонлигининг ўсиши бир қатор ижобий оқибатларга олиб келади. Биринчидан, аҳолида бўш турган маблағлар кўпайиб, алоҳида жамғармалар ҳосил бўлади ва булар ҳар хил турдаги молиявий активларга қўйилмалар қўйилади. Хусусан аҳоли даромадлари ошгандан сўнг кредитлаш банк орқали бўлмасдан тўғридан-тўғри акция ва облигацияларга қўйилмалар қўйиладики, бу даромадлироқ, лекин хатарлироқ ва ликвидлиги пастроқ бўлади. Иккинчидан мулкчилик таркиби ва корпорациялар устидан назоратларнинг ўзгаришига олиб келади.

Давлат мувофиқлаштирув шарт ва шароитларини ўзгартириш билан турли молиявий муассасаларнинг фаолият шакллариининг баъзиларини аниқ қўйилган чекловлари ва бошқаларини рағбатлантириш билан жамғарма ва инвестициялар оқимига таъсир кўрсатади.

- на одной и той же высоте над уровнем моря g наиболее велико на полюсах, где g равно $9,83 \text{ м/с}^2$, на экваторе g наименьшее - $9,78 \text{ м/с}^2$. Отсюда следует, что вес любого тела наибольший на полюсе, потому что тело будет ближе к центру Земли и наименьшим - на экваторе.

- g изменяется с высотой в соответствии с формулой:

$$g = f(M/R+h)^2$$

где f – гравитационная постоянная;

M – масса Земли;

R – расстояние от центра геоида;

h – высота от центра наблюдения.

Как известно, вес тела в различных местах поверхности Земли различен вследствие того, что величина g в различных местах различна. Значит изменяется и сила тяжести и направление этой силы. Сила тяжести действует по направлению к Земле – это направление называется вертикальным. Из-за неоднородности Земли эта вертикаль отклоняется от нормы.

Обозначим, значение силы тяжести на уровне моря через g_0 , а значение силы тяжести на высоте H , через g_H , тогда:

$$P = mg_0 \qquad F = f \frac{Mm}{R^2}$$

$$\text{Уравнивая } P = F, \text{ получим } mg_0 = f \frac{mM}{R^2}$$

$$g_0 = \frac{fM}{R^2}, \text{ исходя из этого, } g_H = \frac{fM}{(R+H)^2}$$

Поправка на высоту выглядит следующим образом:

$$\Delta g = g_0 - g_H = GM \left[\frac{1}{R^2} - \frac{1}{(R+H)^2} \right] = \frac{GM}{R^2} \left[1 - \left(\frac{R}{R+H} \right)^2 \right] = g_0 \left[1 - \frac{1}{\left(1 + \frac{H}{R} \right)^2} \right]$$

Учитывая формулу бинома Ньютона, можно написать:

$$\frac{1}{\left(1 + \frac{H}{R} \right)^2} = \left(1 + \frac{H}{R} \right)^{-2} = 1 - \frac{2H}{R} + 3 \left(\frac{H}{R} \right)^2 \dots$$

В данном разложении можно ограничиться первыми двумя членами, тогда получим $\Delta g = \frac{2g_0H}{R}$.

Значит мы должны учитывать силу тяготения, т.е. неоднородности распределения массы вблизи места измерения. Например, на поверхности Земли над антиклинальной складкой над ядром, которое сложено плотными известняками и закрыто толщей менее плотных песчано-глинистых пород будет действовать положительная аномалия силы тяжести, т.е. сила тяжести будет максимальной. Величина аномалии зависит от амплитуды поднятия и от разницы плотности контактирующих пород.

Допустим, что в исследуемом районе имеется соляной купол, ядро которого сложено каменной солью – породой относительно малой плотности. В этом случае над куполом будет отрицательная аномалия силы тяжести или минимум силы тяжести. Над рудными залежами могут быть гравитационные аномалии большей частью положительные, т.к. плотность руд обычно больше плотности вмещающих пород.

Для поисков и разведки нефтяных залежей измерение силы тяжести обычно применяется в комплексе с сейсморазведкой.

Месторождения нефти приурочены к пластам песчано-глинистых пород (коллекторов), образующих поднятие над сводом или в бортовой части купола. Плотность каменной соли постоянна, что объясняется ее текучестью (под давлением соль течет, а не уплотняется). В большинстве случаев плотность пород, рас-

положенных в борту купола, выше плотности соли, например, для песчано-глинистой соли в куполе появляется резко выраженный минимум силы тяжести. Теоретически на одной и той же широте ускорение силы тяжести должно принимать одинаковые значения. Но при определении силы тяжести учитывается неоднородность распределения массы вблизи места измерения.

Исходя из этих соображений, можно сказать, что если вблизи измерения находятся тяжелые массы, то g будет наибольшим, в обратном случае - наименьшим.

Совершенно очевидно, что быстро ориентировать-

ся и успешно работать в производстве могут только те выпускники вузов, которые получили в процессе обучения достаточно широкую и глубокую фундаментальную подготовку, а также навыки самостоятельной исследовательской работы.

Таким образом, проблемно - развивающее обучение увеличивает уровень подготовки кадров и играет важную роль в формировании фундаментальной подготовки и выработки научного мировоззрения будущего специалиста.

МЕТОД ОБУЧЕНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫМ ДИСЦИПЛИНАМ

УДК 001

Эшмуродов З.О. 2004 г.

Эшмуродов З.О., зав. каф. «Автоматика и управление» НГГИ

Развитие современного производства идёт по пути создания высокоэффективных промышленных установок, обеспечивающих интенсификацию технологических процессов и систем управления.

Внедрение автоматизированных систем управления в различные сферы хозяйственной деятельности и, в первую очередь, в проектирование, управление оборудованием и технологическими процессами способствует ускорению научно-технического прогресса. Для достижения этой цели необходимо осуществить под-

нального использования автоматизированных электроприводов различного назначения без глубокого знания теории и практики автоматического управления, микроэлектроники, теории электропривода, технологических процессов вычислительной техники, экономики невозможно.

Поэтому, в соответствии с требованиями национальной программы по подготовке кадров, одной из главных задач современного образования является подготовка высококвалифицированных специалистов.

Для выполнения этой задачи в настоящее время в учебный процесс внедряется активная методика обучения студентов принципиально новой методике преподавания учебного материала на основе эффективного использования технических средств обучения, возможностей компьютера, дистанционного обучения и т.д. [2].

Одним из активных методов обучения студентов является «деловая игра» (рис. 1-3). Игры позволяют развивать у студента логическое и абстрактное мышление.

Метод эффективен при проведении лабораторных и практических занятий по специальным дисциплинам, таких как «Система автоматизации и управления», «Элементы и устройство автоматики», «ЭВМ и ВС». Лабораторные работы по специальным дисциплинам позволяют экспериментально проверить основные положения теории, приобрести навыки по сборке электрических схем, включающих в себя электрические машины, трансформаторы, пускорегулирующую аппаратуру, измерительные устройства. Непосредственное участие в экспериментах вырабатывает у студентов практические навыки по методике проведения опытов и обработки их результатов.

Предварительная подготовка студента к каждой лабораторной работе, понимание ее цели и содержания – важнейшее условие. Поэтому прежде чем приступить к выполнению лабораторной работы, студент должен:




Рис. 1. Схема элемента РТЛ

готовку квалифицированных специалистов, способных создавать и обслуживать современное промышленное производство, базирующиеся на вычислительной технике, гибких автоматизированных системах и робототехнических комплексах [1].

Специалисты в области автоматизации и управления, занимающиеся разработкой, монтажом и наладкой современных систем управления промышленным оборудованием, по характеру своей деятельности сталкиваются как с теоретическими, так и с практическими задачами автоматизации. Решить задачи рацио-

тщательно изучить содержание работы и порядок ее выполнения, повторить теоретический материал, связанный с выполнением данной работы.

Метод «деловая игра» предусматривает самостоятельную подготовку каждым студентом структурной схемы базовых логических элементов, выпускаемых электронной промышленностью в виде: резистивно-транзисторной логики (РТЛ) (рис. 1), транзисторно-транзисторной логики (ТТЛ) (рис. 2), диодно-транзисторной логики (ДТЛ) (рис. 3), эмиттерно-связанной логики (ЭСЛ) и т. д.

Работа будет организована по правилам конструкторского бюро: «деловая игра» делится на несколько групп: 1 – 2 группы в роли разработчиков схем элементов; 3 – 4 группы в роли эксплуатационщиков схем элемента, преподавателя в роли руководителя и консультанта.

В начале занятий студентам выдается схема элемента. Получив задание, студент сначала должен определить, какие

2. Установить номер лабораторной работы.
3. Подготовить файл исходных данных для лабораторной работы. Подготовка исходных данных осуществляется в диалоговом режиме с возможностью выбора подходящих элементов схемы из имеющейся базы




Рис. 3. Схема элемента ДТЛ

данных.

4. Указать программу комплекса, с каким файлом исходных данных ему следует работать.
5. Запустить программу расчета.
6. Распечатать результаты расчетов (графика).

В конце занятий студенты должны представить отчет и продемонстрировать работу схемы элемента. В отчете кратко описать принцип работы схемы, привести необходимые таблицы и графики, выполненные правильно и аккуратно. Лабораторная работа засчитывается, если студент ответил на вопросы преподавателя, обнаружив знания устройства и принцип работы объекта исследования и понимание физических процессов, объясняющих полученные по данной работе результаты.

Таким образом, при обучении специальных дисциплин применение метода «деловая игра» позволяют студентам почувствовать себя инженерами широкого профиля, способными самостоятельно и творчески решать задачи проектирования, исследования, наладки, эксплуатации современных автоматизированных систем управления в любых отраслях народного хозяйства.




Рис. 2. Схема базового элемента ТТЛ

элементы нужны для сбора этой схемы.

При выполнении лабораторных работ и практических занятий студенты должны придерживаться следующей последовательности:

1. Включить компьютер и загрузить программный комплекс.

Список литературы:

1. Корытин А.М. и др. Автоматизация типовых технологических процессов и установок. – М: Энергоатомиздат, 1988. с. 434
2. Улашев И.О. и др. Методические указания по использованию в учебном процессе передовой педагогической технологии. Навои 2001. с. 39



КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ТЕСТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

УДК 001

О Эшниёзова Ш.М., Бахрамова Д.А. 2004 й.

Эшниёзова Ш.М., НДКИ «Иқтисодиёт ва менежмент» каф. катта ўқитувчиси,
Бахрамова Д.А., НДКИ «Иқтисодиёт ва менежмент» каф. ассистенти

Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айти шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

И.А. Каримов

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги кунда таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларни ва ўқув муассасаларни аттестациядан ўтказиш жараёнларини одилонга амалга оширишда тест синовлари асосий воситага айланди.

Мустақиллик йилларида Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида 1992 йилдан бошлаб ўтказиб келинаётган тест синовлари таълим муассасаларига талабаларни қабул қилишда собиқ Иттифоқ йилларида эгилган адолатни тиклади. Йилдан-йилга такомиллашиб бораётган тест синовлари кадрлар тайёрлаш бўйича давлатимиз сиёсатининг истиқболи, изчил ва одилонга эканлигига Республикамиз фуқароларининг ишончи ортишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Тест синовлари талабаларни танлаб қабул қилиш усули бўлиши билан бирга, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва ўқув муассасаларини аттестациядан ўтказиш воситасига ҳам айланиб бормоқда.

Давлат тест маркази томонидан тест технологияларини такомиллаштириш борасида қатор натижалар олинган.

Булар:

- биринчи марта Ўзбекистонда ишлаб чиқилган, ҳолисликни таъминлашнинг ишончли воситаси бўлган кўп вариантли компьютерлашган тест технологияси;

- кўп вариантли тест топшириқлари жамғармаси ва уни шакллантириш, таҳрир, синфларга ажратиш ва танлаш жараёнларининг услубий ва дастурий воситалари;

- тест синовлари натижаларини таҳлил этиш ва ҳисоботларни шакллантириш воситалари;

- узоқ масофадан туриб компьютер тармоғи орқали республика вилоятларида кўп вариантли тест синовларини ўтказиш технологияси воситаларидир.

Тестларнинг «Ахборотнома», «Вестник», «Хабарнома» журналларида чоп этилиши Республикада абитуриентларни тест имтиҳонларига аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда тайёрлаш тизими ва аънасини яратди. Давлат тест марказида тўпланган бой тажриба шуни кўрсатдики, кўп вариантли тест тизими абитуриентлар билимини одилонга баҳолаш билан биргаликда республика таълим комплекси фаолияти самарадорлигини объектив, холисона белгилаш имкониятини келтириб чиқарди. Тестларнинг нашр этилиши ва тест топшириқлари жамғармаси сонининг ортиб бориши талабаларнинг юқори даражада мушоҳадали бўлишига, тафаккурининг ривожланишига ижобий таъсир этмоқда. Чунки кўп сонли тестларни ёдлаб олиш имконияти бўлмагач, абитуриентда чуқур билим олишга, ўқув дастурлари мазмунини тушуниб ўзлаштиришга интилиш шакланмоқда.

Мураккаблик даражаси турлича бўлган тестларнинг яратилиши абитуриент ва ўқитувчиларнинг ўз билимларини танқидий баҳолашга, илмий тайёргарликни янада юқори савияга кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Тест синовларининг эълон этилиши дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига, натижада республикада таълим стандартларининг яратилишига таъсир этмоқда. Чоп этилаётган тестларнинг йилдан-йилга сифати ортиб, мураккаблик даражаси кучайиб бораётганлиги ўқув жараёнининг такомиллашишига ижобий таъсир этмоқда, ўқув жараёнини тўлдирмоқда. Шу маънода тестлар ўқитувчи учун методик ва дидактик восита сифатида хизмат этмоқда.

Таълим муассасаларида фанларни ўқитиш ва талабалар билимларини якуний, оралиқ ва босқичли баҳолаш соҳасида тест синовлари тизимини яратиш ва ривожлантириш борасида ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Ана шундай ютуқлар қўлга киритилганлигига қарамай, бу соҳада айрим муаммоли вазиятларга ҳам дуч келамиз. Булардан тест синовларининг илмий услубий муаммолари йўналишида мувофиқлаштириш етишмаётганлиги, янги тармоқ (Internet-Intranet) ахборот технологияларининг тест синовлари соҳасида суст қўлланилаётганлиги, таълим муассасаларида ўқитиладиган ҳар бир фан бўйича тест синовларининг юқори самарадорлигига эришилмаганлигини, педагогларнинг тест тузишга

етарли даражада тайёр эмаслигини таъкидлаш лозим.

Шунга ўхшаш муаммоларни бартараф этиш, ҳамда тест синовларининг жамият тараққиётига қўшаётган ижобий ҳиссасини ошириш учун қуйидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- давлат тест маркази томонидан йиллик тест якунлари бўйича тайёрланган таҳлилий материаллар таълим муассасаларида ҳар йили муҳокама қилиниб, ўқув муассасаларида ўқувчилар тайёрлаш сифатининг мониторинги воситаси қаторида

қўллаш;

- узоқ масофадан кўп вариантли тест ўтказиш технологияси ва унинг илмий асосларини янада ривожлантириш;

- тест технологияси ва амалиёти бўйича анжуманлар, тест тузиш услубиёти бўйича амалий семинарлар ўтказиш;

- дарсликлар ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларда анъанавий саволлар билан бирга тест топшириқларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

УДК 001

Ў Абдуллаева Ш.А., Ахатова Д.А. 2004 й.

Абдуллаева Ш.А., НДКИ «Педагогика» каф. пед. фан. номз.,
Ахатова Д.А., НДКИ «Педагогика» каф. ассист.

Мамлакатимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун аҳоли таълимини жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида илғор педагогик тадбирлардан фойдаланиш талаб этилмоқда.

Педагогика фанларини ўқитиш жараёнида бўлғуси касбий педагогик тайёргарлик йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг дарсга нисбатан қизиқишларини орттиришга, мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантиришга, танқидий тафаккурини ўстиришга қаратилган интерактив таълим олишларига кўмак берувчи инновацион усуллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки инновациялар узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Улар таълим жараёнида маълум ўзгаришларга, таълим мазмуни, сифати бойишига ва самарали ташкил этилишига сабаб бўладиган турли туман ташаббус ва янгиликларнинг яхлит тизимида намоён бўлади.

Инновациялар муҳим аҳамиятли бўлиб, бир тизимда шаклланган янги аҳамиятга эришувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмуни ривожини учун истиқболли бўлади, шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундай инновацион усулларнинг мисоллари таълим қисмида кичик гуруҳларда ишлашнинг қуйидаги: «Ақлий ҳужум», «Ролли ўйинлар», «Ўйинли судлар», «Мунозара», «Ечимлар дарахти», «Музёра», «Икки қисмлик кундалик», «Синквейн», «Кластер», «Кубиклар», «Б-Б-Б жадвали», «Венн диаграммаси», «Т- чизма», «Биргаликда ўқитиш», «Зигзаг», «Кейс», «Пинборд» ва бошқа шакллари келтириш мумкин.

Бу усулларнинг деярли барчасида иш кичик гуруҳларда ишлаш тарзида ташкил этилади. Таълим-

нинг гуруҳли шакли аввало «таълим берувчи-таълим олувчи» диалогидан воз кечишни ва «таълим берувчи - гуруҳ- таълим олувчи» кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга ўтишни назарда тутди. Ўқув гуруҳи таркиби бўйича ҳаракатчан кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ўқув материални ўзлаштиради. Таълим олувчилар билан ўқитувчи ўртасида анча мустаҳкам алоқа ўрнатилди, шахсий ва бир вақтнинг ўзида таълим жараёнида жамоавий руҳий ҳолат кучаяди.

Шу усуллардан айримларини педагогика дарсларида қўллаш йўллари тўғрисида фикр юритсак.

«Кластер» усули.

Кластерларга бўлиш - талабаларга бирор-бир мавзу тўғрисида эркин ва очиқ тарзда фикр юритишда ёрдам берадиган педагогик стратегиядир. У фикрлар ҳақида мулоҳаза юритишни рағбатлантиришга имкон берадиган тизимларни яратишни талаб қилади (кластер - инновацион услуб бўлиб, «тоифаларга, туркумларга ажратиш маъносини билдиради).

Кластерларга бўлиш тартиби:

1. Катта варақ қоғознинг ўртасига ёки синф доскасига ёхуд ёзиш учун фойдаланиш мумкин бўлган сатҳга очқич сўз ёки гап ёзилади.

2. Мавзуга оид хаёлга келган сўз ёки гаплар ёзилаверади.

3. Фикрлар пайдо бўлганда ва уларни ёзганда фикрлар, тушунчалар ўртасида мумкин бўлган боғланишларни белгилаш лозим бўлади.

4. Барча фикрлар тугамагунча ёки вақт тамом бўлгунча хаёлга келган барча фикрлар ёзилаверади.

5. Тушунчалар мазмун-моҳияти, хусусиятига қараб тоифаланади, ортиқча сўзлар чиқариб ташланади.

Педагогика назариясига оид «Шахс камолоти ижтимоий биологик ҳодиса, педагогик жараён объекти ва субъекти сифатида» мавзусини ўтишда талабаларни 4 гуруҳга бўлиб, уларга «Ирсият», «Муҳит», «Таълим-тарбия», «Фаолият» тушунчаларига, «Тарбия қоидалари» мавзусида «Мақсадга қаратилганлик», «Инсонпарварлик ва демократия», «Қадриятлар устуворлиги», «Изчиллик - тизимлик» тушунчаларига кластер туздириш мумкин.

Талабаларга ахлоқ, ватанпарварлик, меҳнат, иқтисодий, жисмоний, экологик, ҳуқуқий эстетик тарбия беришга оид мавзуларда ҳам ҳар бир тарбия турига оид кластер тузиб, сўнг унинг моҳиятини кенг очиб берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

«Таълим назарияси» бўлимининг «Таълим мазмуни» мавзусида «Таълим мазмуни», «Ўқув режа», «Ўқув дастур», «Дарслик» тушунчаларига, «Таълим тамойиллари» мавзусида ҳам бир тамойилга, таълим усуллари ва дарс турларининг ҳам бирига ҳам аввал кластер тузилиб, кейин муҳокама қилинса талабаларнинг фикрлаши ва мустақиллиги янада ортади.

Кластерга «таълим-тарбия» тушунчасига тузилган қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

3-қатор: Мавзу бўйича ҳаракатларни ифодалаш
3-қатор: Мавзу бўйича ҳаракатларни ифодалаш (учта феъл ёки равишдош танланади);

4-қатор: Мавзуга муносабат, ҳис-ҳаяжон билдирилади (тўртта сўздан иборат жумла);

5-қатор: Мавзу синоними бир сўз билан ифодланади.

Синквейнга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

Таълим

Узлуксиз, ихтиёрий (мажбурий).

Ўргатади, йўл кўрсатади, руҳлантиради.

Ҳаётдаги энг ёруғ чироғ! (Бешиқдан то қабргача илм изла!)

Ўқиш.

Ўқиш

Қизиқарли, тушунарли.


Билим бермоқ, тушунмоқ, ютуққа эришмоқ.

Рух, ақл, ҳиссиётни фарқлаш.

Ўрганиш.

Одоб

Гўзал, яхши.



Юқоридаги педагогик категориялар моҳияти очиб берилганидан сўнг, талабаларга мазкур тушунчаларга оид Синквейн усулида фикр юритишга имконият яратиш мақсадга мувофиқдир.

«Синквейн» ларни ҳам бир дарсда ва ҳам бир ўтилган тушунчага тузиш мумкин. (Синквейн - французча «беш қаторли шеър маъносини билдиради»). Бу усулда мавзу ёки тушунча моҳияти беш қаторли очиқ шеърда ёритилади. Бу усул қондаси:

1-қатор: Мавзу (бир сўз танланади, одатда у от бўлиши шарт);

2-қатор: Мавзунини икки сўз билан ифодалаш (иккита сифат танланади);

Инсонни безайди, улуғликка кўтаради, яшнатади.

Инсон одобини билан гўзал!

Ахлоқ.

Кўриб турганимиздек, синквейн усули билан ишлаш талабаларнинг танқидий фикрлашини ривожлантиради.

Инновацион усуллардан яна бири бу Б-Б-Б (билимиз, билишни хоҳлаймиз, билдик) жадвали билан ишлашдир. «Б-Б-Б- (билимиз, билишни хоҳлаймиз, билдик) усули машғулот жараёнида матнни тушунишни кузатишдаги график ташкилотчи ҳисобланади» [1]:

Б-Б-Б жадвали

Таҳминан нимани биламиз?	Нимани билишни хоҳлаймиз?	Нимани билдик?
--------------------------	---------------------------	----------------

Талабалар гуруҳларга бўлинишади. Ўтилаётган мавзу ёки тушунча юзасидан ҳар бир гуруҳ ўзаро ҳамкорликда «Таҳминан нимани биламиз?» устунини тўлдиришади. Доскадаги биринчи устунга эса барча гуруҳларнинг жавоблари жамланади. Берилган жавоблар тоифалар бўйича гуруҳланади. Масалан, таълим усуллари таҳлил этилаётган бўлса, жавоблардаги оғзаки баён, кўргазмали, амалий, муаммоли ва бошқа усулларга оид тушунчалар алоҳида тоифаланиб чиқилади.

бўлса, уни ўқитувчи тўлдириши ёки уйга вазифа сифатида билиб келишни топшириши мумкин.

«Т-чизма»- мунозара вақтида қўшалок жавоблар ёки таққослаш жавобларни ёзиш учун универсал график организер ҳисобланади. Масалан, «Таълимни ташкил этиш шакллари» мавзусини ўтишда бу усулдан фойдаланиш яхши самара беради. Чизмани қуйидаги шаклда ифодалаймиз:

Таълимнинг анъанавий шакли		Таълимнинг ноанъанавий шакли	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги

Ёки шу мавзуда ҳар бир дарс туридаги ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини қуйидаги чизма асосида таҳлил этиш мумкин:

Янги билим бериш дарси		Ўқув материални мустақамлаш дарси		Такрорлаш ва умумлаштириш дарси		Аралаш дарс	
Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти	Ўқитувчи фаолияти	Ўқитувчи фаолияти	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти

Кейин ҳар бир гуруҳ аъзолари ўзаро келишилган ҳолда «Билишни хоҳлайман» устунига мавзу юзасидан ўзини қизиқтирган саволларни ёзиб чиқишади. Доскадаги иккинчи устунга эса барча гуруҳларнинг саволлари жамланади. Шундан сўнг талабалар мавзу юзасидан матн (маъруза) билан тўлиқ танишиб чиқади ва жадвалнинг иккинчи устунига қайтиб, ўзлари билишни хоҳлаган саволлардан қайсиларига жавоб топганлигини белгилаб чиқишади. Саволларга топилган жавоблар учинчи «Билдик» устунига ёзилади. Талабаларни қизиқтирган қайсидир саволга жавоб чиқмай қолган

Мақоламиз саҳифаларида келтириб ўтган ҳар бир инновацион усуллар ўқитувчининг янги билим ва кўникмаларини эгаллашга йўналтирилган вазифасини тўлақонли бажаришга имконият яратади. Талабаларда эса мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиради. Уларни янгича мушоҳада қилиш қобилиятларини оширади, қолаверса, ноёб (оригинал) фикрлайдиган, ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб ривожланишига кенг истиқбол яратади.

Адабиётлар рўйхати:

1. «Сорос» халқаро очик жамиятининг « Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002, 20-бет

КОНЧИЛИК МУҲАНДИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ДИЗАЙН ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИ

УДК 622.38.58

О Инамов У.Р., Исламов И.Н. 2004 й.

Инамов У.Р., НДКИ «Энерго - механика» фак. декани, техн. фанл. номз.,
Исламов И.Н., НДКИ режа - молия бўлими бошлиғи

Мамлакатимиз истиқлолининг энг дастлабки кунлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш, кадриятларимизни ўрганиш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини шакллантириш, уни давр талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш мақсадида таълим тизимига катта аҳамият берилди.

Республикаимиз халқ хўжалигининг ҳар қандай тармоғини ривожлантириш, рақобатбардош маҳсу-

лот ишлаб чиқариш учун ижодий фикрловчи, муаммоларнинг янги ечимларини доимий изловчи ижодкор мутахассисларга бўлган талаб сезилиб қолмоқда, ҳамда уларни етказиш, тайёрлаш, малакасини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Шундай муаммолардан бири миллий маданиятимиз ва санъатимиз, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида, **дизайн таълимини** жорий этиш орқали ижодкор, бой тасаввурга, кенг қамровли ду-

нёқарашга, юқори бадий савияга, техник-технологик билимларга эга бўлган юқори малакали миллий кадрларни тайёрлаш заруратидир [1-5].

И. Ожегов луғатида Дизайн – «машина, хона ички қисми, буюмларни функция (ишлаш) жиҳатидан қулай, иқтисодий жиҳатдан арзон ва гўзал бўлишини таъминланган ҳолда лойиҳалашдир» – дейилган. Машҳур италян меъмори ва дизайнери Жю Понти дизайннинг мақсади гўзал шакллар, нарсалар дунёсини яратишдан иборат бўлиб, улар инсоният тараққиётининг чинакам характерини очиб бериши лозим, деб ҳисоблайди. Демак, дизайнер биринчи навбатда кучли тасаввурли расом, кенг қамровли лирик табиатли инсон, юқори малакали муҳандис, технолог, лойиҳачи бўлмоғи лозим.

Бизнинг фикримизга кўра, дизайн тушунчасининг кўплаб хусусий тавсифлари ичида энг аниғи бу – 1964 йил Брюггеда дизайнерлик таълими бўйича халқаро семинарда қабул қилинган таърифидир: **«Дизайн – бу саноат маҳсулотларининг шаклий сифатлари ҳамда ташқи кўринишини ишлаб чиқишга қаратилган ижодий фаолият бўлиб, унда асосий эътибор буюмларни тузилиши ва вазибалари жиҳатидан истеъмолчи ҳамда ишлаб чиқарувчи учун маъқул бўлган ягона ечимга келтиришга қаратилади».**

Ҳозирги вақтда дизайн ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида кенг қўлланилмоқда ва асосий вазибаси буюмни функционал вазибасини инобатга олган ҳолда ўша буюмнинг гўзал, ихчам, хизмат учун қулай ва арзон бўлишини таъминлашдир.

Олий ўқув юртларида муҳандислар тайёрлашда дизайн таълимини ривожлантириш ва шу орқали талабаларда ижодкорликни, ижодий тафаккурни шакллантириш замон талабидир. Чунки халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳар бир мутахассисдан ишга ижодий ёндашишни талаб этмоқда.

Талабаларда олий ўқув юртига қадар дизайнга оид тушунчалар умумтаълим мактабларининг меҳнат таълими, тасвирий санъат ва чизмачилик фанларида ривожлантирилади. Давлат таълим стандартига асосан 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб бу фанларни ўқув дастурларида дизайн асослари, унинг тарихи, қўллаш жараёнлари, ишлаб – чиқариш ва жамиятда тутган ўрни билан таништириш, амалий машғулотлар бажариш ҳамда шулар асосида ўқувчиларда билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш, бадий-эстетик қобилиятларини ривожлантириш орқали мустақилликка, мустақил фикрлашга, ижодкорликка, мантиқий тафаккур қилишга ўргатиш орқали баркамол етук шахсларни тайёрлаш назарда тутилган.

Олий ўқув юртларини бакалавриат таълимида кончилик муҳандислари тайёрлайдиган мутахассисликлар ўқув дастурларида талабалар график соводхонлигини ошириш ва бадий лойиҳалаш билим, кўникмаларини шакллантирадиган фанлардан бири чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанларидир. Талабаларни ижодкорлик ва бадий лойиҳалаш кўникмаларини, шакллантирадиган алоҳида курс мавжуд эмас.

Касбий педагогик тайёргарлик (кончилик йўналиши бўйича) мутахассислар тайёрлаш ўқув дастурларида дизайн тўғрисида билимлар «Техник ижодкорлик ва дизайн» курси орқали берилади. Мазкур курс ўқув дастурига асосан дизайн асосларига оид билимлар бериш учун фақатгина 2 соат ажратилган. Дизайн ҳақида билимларни талабаларга кўпроқ сингдириш учун бу вақт камлик қилади.

Кончилик муҳандислари тайёрлашда дизайн асосида талабалар ижодкорлигини шакллантиришда қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- олий ўқув юртлари ўқув дастурларининг мазмунида дизайнга оид билим, кўникма ва малакаларнинг етарлича акс эттирилмаганлиги;
- дизайнни тарғиб қилувчи махсус нашрларнинг мавжуд эмаслиги, бошқа нашрларда эса бу соҳага алоҳида эътибор берилмаганлиги;
- амалга оширилаётган курс ва диплом ишларида дизайнга эътибор камлиги.

Дизайн таълимини беришда узлуксизликни таъминлаш мақсадида олий ўқув юртларида кончилик муҳандислари тайёрлашда қуйидаги ишларни бажариш зарур деб ҳисоблаймиз:

- дизайн асосларини алоҳида курс сифатида ўқитиш ва ўқув дастурини ишлаб чиқиш;
- дизайнерлик лойиҳаларини бажаришга оид талабалар учун топшириқлар, маълумотлар, ўқитувчилар учун кўргазмали қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва бунда ахборот технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш;
- дизайнерлик лойиҳалаш бўйича талабаларда ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- талабалар дизайнлик бюроларини тузиш, дизайнерлик лойиҳалари бўйича кўргазмалар ва конкурслар ташкил этиш.

Бу ишларни амалга ошира бориб биз талабаларнинг бадий эстетик дидини, ижодкорлигини, тафаккурини оширишга ва ижодкор мутахассислар бўлиб етишишига ёрдам берган бўлардик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Безмоздин Л.Н. В мире дизайна. Т.: Фан. 1990. 316 с
2. Исламов И.Н. Умумий ўрта таълим тизимида дизайн асосларини ўқитиш ва унинг босқичлари // «Уз-луксиз таълим» журнали, 2003. № 2. 106-111 б
3. Левицкий Л.В. Дизайн и инженерное образование. – М.: Техническая эстетика, 1989. № 7. с. 13-15
4. Нозилов Д.А. Ўрта Осиё дизайни тарихидан – Т. Ўқитувчи, 1998-128 б
5. Царева А.К. К вопросу об интеграции инженерной и дизайнерской деятельности. – М.: Техническая эстетика, 1988. № 10. с. 21

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

УДК 504.37.03

О Мислибоев И.Т. 2004 й.

Мислибоев И.Т., НДКИ «Педагогика» каф. мудири, пед. фан. номз

Баркамол, эркин Шахсни шакллантириш муаммоси таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнини илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этишни тақазо этади. Бу жараён педагоглардан тинимсиз изланишларни, замонавий билимларни, ҳамда юқори малакани талаб қилади ва албатта, бу жараённи илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш зарур. Аслида ҳам – билим, кўникма ва малакалар педагогик жараён маҳсули ҳисобланиб, маълум педагогик тизим доирасида шакллантирилади. Педагогик технология эса амалиётга жорий этиш мумкин бўлган педагогик тизим лойиҳасидир.

Маълумки тизим (грекча *systema*) – бу яхлитликни таъминловчи қатор элементлар мажмуасидир. Демак, педагогик тизим ҳам ўқитиш назариясига оид тушунчалар йиғиндисидан иборат бир бутун (яхлит) бўлиши ва муаяян мақсадга қаратилиши керак.

Педагогик тизим таркиби илмий-педагогик наشرларда тез-тез кўзга ташланади.

Н.В. Кузмина педагогик тизим педагогик мақсад, ўқув ва илмий ахборот, педагогик мулоқот воситалари, ўқувчилар ва педагог каби таълим-тарбия мақсадига бўйсиндирилган ўзаро боғлиқ элементлардан ташкил топган деб ўқтиради [1].

Академик В.П. Беспальконинг фикрига кўра «Педагогик тизим маълум шахс сифатларини шакллантиришда, аниқ мақсадни кўзлаб педагогик таъсир этишни вужудга келтириш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндисидир» [2].

Бинобарин, аввало таълим мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим яратилиши керак. Агарда маълум вақтдан кейин мақсад ўзгарса, унга мос равишда педагогик тизим ҳам ўзгариши муқаррардир. Бунга яққол мисол тариқасида ҳозирги кунда Республикамиз таълим соҳасидаги ислохотларни келтириш мумкин, яъни Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин таълим мақсадлари ҳам ўзгарди ва шу янги мақсадга мос равишда педагогик тизим ҳам ўзгармоқда.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, педагогик тизимда ўзаро алоқадор икки тушунча, дидактик масалалар ва ўқитиш технологияси мавжуд.

Дидактик масалалар таркибида инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳаси масалалари каби аниқ мақсад ва унга эришиш учун шарт-шароитлар, ҳамда, бу фаолият учун ахборотлар (мазмун) бўлиши керак.

Дидактик масалаларни ҳал этишдаги мақсад шахснинг маълум сифатларини шакллантириш зарурати бўлса, шарт-шароитлар – ўқувчиларнинг бошланғич сифат кўрсаткичларини, ахборот эса – ўқув фанларининг мазмунини ифодалайди. Ўз ўрнида ҳар бир дидактик масала ўқитиш технологиясининг мос компонентлари орқали ечилиши мумкин, улар ўқитишнинг ташкилий шакллари, дидактик жараёнлар ва ўқитувчининг маҳорати ёки ўқитишнинг техник воситалари (ЎТВ).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кўпчилик ҳолларда педагог-ўқитувчилар дидактик масалаларни аниқ белгилашга ва ифодалашга, ҳамда уларга мос келадиган ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишга етарлича эътибор қаратмайдилар. Қуйидаги ҳолатни ҳам ҳисобга олиш керак, педагогик тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи-бу олдиндан лойиҳаланган ва ўзида дидактик масалалар ҳамда уларни ечиш технологияси мужассамлашган педагогик тизим ҳисобланади. Демак, педагогик тизимни муваффақиятли лойиҳалаш ва якуний натижалар кафолатланиши ўқитувчининг дидактик масалалар моҳиятини англаб етиш даражасига ва дарсда уларни тўғри белгилаб олишга боғлиқдир.

Ўқитиш технологиясини лойиҳалашнинг энг муҳим шартларидан бири бу ҳар бир дарсда таълим мақсадини аниқ белгилашдир. Маълумки, ҳар қандай фан ўзининг ривожланиш жараёнида катта ҳажмдаги ахборотларни тўплаган ва бу ахборотлар бугунги кунда жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Ахборотларнинг бундай ортиб бориши натижасида талабалар «эсанкираб» қолмасликлари учун қандай чора кўрилиши керак. Бунинг учун фақат зарурий ахборотларни танлаб олиш ва талабалар ўзлаштириш қобилиятига мос ҳолда улар ҳажмини маълум бир миқдорга келтириш зарур. Бунга «ўқув элементи» тушунчаси орқали эришилади.

Ўқув элементи сони ва таркибини аниқлашнинг икки усули мавжуд, улар:

-эксперт усули, бу усулда малакали методистлар (ўқитувчилар) ўз тажрибаларига таянган ҳолда ўқув элементларини саралайди;

- тажриба синови усули, бу усулда эса битирувчининг фаолияти таҳлил қилинади ва шу асосда керакли маълумотлар ажратиб олинади.

Юқоридаги иккала усул ҳам амалиётда қўлланилади ва бир-бирини тўлдиради.

Таълим мақсадини белгилашда асосий омиллардан яна бири – фанни ўрганиш илмийлиги ёки фан тараққиётининг абстракция поғоналаридир.

Биринчи абстракция поғонада ўрганилаётган ҳодисаларининг баёни содда, хусусият ва сифатлари келтирилган ҳолда улар оддий тилда тушунтирилади.

Иккинчи абстракция поғонада тушунчалар, атамалар ва қонуниятлар ўқув элементларининг асосини ташкил этади ва улар фан тилида баён этилади.

Учинчи абстракция поғонада ҳодисаларни уларнинг сонли назариялари асосида тушунтирилади, уларнинг хусусиятларини аналитик тасаввурлаш амалга оширилади. Ҳодиса ва жараёнларни олдиндан айтиб бериш имкониятлари мавжуд бўлади. Ўқув элементлари баёни фанлараро боғланишлар асосида олиб борилади.

Тўртинчи абстракция поғонада нарса ва ҳодисалар кенг қамровли, моҳияти чуқур, юқори даражада умумлашган ҳолда тушунтирилади. Илмий билимларнинг амалий йўналишлари қайта илмий асосланади.

Демак, ўқитиш технологиясини лойиҳалашнинг муҳим шартларидан бири бу таълим мақсадини аниқ белгилаш бўлса, унинг яна бир муҳим шarti таълим мазмунини тўғри танлашдир.

Таълим мазмунини билим, кўникма ва малакаларга ажратиш узоқ тарихга эга «Таълим мазмуни деганда инсон ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ва ҳарактери тушунилади» [3].

М.Я.Лернернинг фикрича, билим ва кўникмалар таълим мазмунини мукамал ифодалай олмайди.

Баъзи бир бошқа мазмун ҳам мавжудки, уларни ўзлаштирмасдан ривожланиш йўқ [4]. Демак, таълим мазмуни лойиҳаланаётганда унинг мақсад билан ўзаро фарқланадиган томонларини эътиборга олиш керак. Чунки ҳар иккаласида ҳам ўқув элементлари мавжуд. Педагогик тизимнинг мақсадини белгилашда ўқув элементларининг талабалар ўрганиши лозим бўлган рўйхати келтирилади ҳолос ва улар таълим мақсадини аниқлаш учун хизмат қилади. Таълим мазмунини танлашда эса, ахборотларнинг умумий ҳажмидан маълум қисми ўқув элементлари сифатида талабаларга етказилади. Фанлар таркибида ўқув элементлари жуда кўп, аммо таълим турига қараб ўқув элементлари сони белгиланади, яъни олий ўқув юртлири, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва умумтаълим мактабларида ўқитиладиган бирор фан мавзулари бўйича ўқув элементлари ҳар бир ўқув юрти учун алоҳида аниқланади ва уларга мос равишда ўқув дастурлари ишлаб чиқилади.

Юқорида биз таълим технологиясини лойиҳалашда мақсад ва мазмуннинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхталдик ҳолос. Бу мавзуни яна узоқ давом эттириш ва баҳслашиш мумкин. Юқоридагилардан қисқача хулоса қиладиган бўлсак, таълим технологияси амалиётга жорий қилиш мумкин бўлган педагогик тизим лойиҳаси экан, уни самарали лойиҳалаш учун таълим мақсади ва мазмунини аниқ белгилашимиз ва танлашимиз зарур экан.

Адабиётлар рўйхати:

1. Кузмина Н.В. Методы исследование педагогической деятельности–Л. Изд-вл ЛГУ
2. Беспалько В.П. «Слагаемые педагогические технологии» М. Педагогика 1989
3. Педагогика школы. Под ред. Шукиной. Г.И, 1978
4. Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения – М. Педагогика, 1991 – 186 с

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ ПРИ ПОДГОТОВКЕ ИНЖЕНЕРОВ ГОРНОГО ПРОИЗВОДСТВА

УДК 001

О Максудова Х.С., Аяпова Д.У. 2004 г.

Максудова Х.С., зав. каф «Иностранных языков» ТГТУ, Аяпова Д.У., ст. преподаватель ЗОФ НГТИ

Важно осознать и оценить в чем особенность времени, в котором мы живем, каково историческое значение для настоящего и будущего тех перемен, которые произошли в мире за последние годы. Это появление ряда независимых государств, таких как Узбекистан, стремящихся упрочить свое положение среди других стран мира, быть равными среди равных, стать органической частью обширного мирового пространства. Сегодня наша молодая республика находится на том переходном периоде, когда закладывается фундамент нового светского государства. Время вносит свои коррективы, и это в полной мере относится к изучению и знанию иностранных языков. Ни одна современная нация, народность не выжила бы, не достигла

бы расцвета, не изучая достижения цивилизации путем знания иностранных языков. Ведь поистине, язык – один из важнейших элементов культуры, он прежде всего, является средством общения людей, важнейшим орудием творчества, созидания, в какой то степени двигателем общественного прогресса. Человеческая история цивилизованных народов свидетельствует о том, что критерием духовности, преодоления национальной ограниченности является понимание других людей, научное и культурное общение, изучение новейших технологий, деловое сотрудничество с другими развитыми странами. Глубокий смысл восточной пословицы: «Сколько языков ты знаешь, столько раз ты человек» актуален и в наше время. Не случайно, в

числе первоочередных задач в построении нового светского общества руководство нашей страны рассматривает реформу образования, подготовку высококвалифицированных кадров. В таких государственных документах, как «Закон об образовании», «Национальная программа подготовки кадров» И.А. Каримов подчеркивает важность изучения иностранных языков: «Сегодня для нашей страны, стремящейся занять достойное место в мировом сообществе, трудно переоценить значение совершенного знания иностранных языков, ведь мы видим свое великое будущее в согласии, сотрудничестве с иностранными партнерами». Начало нового века характеризуется большим потоком информации, в связи с появлением Интернета. Бесспорно, знание иностранного языка должно быть одним из главных критериев к специалистам новой эпохи. В условиях ускорения компьютеризации и информатизации общества иностранный язык помогает использовать компьютерную технику, процесс получения новой информации, отражающей уровень мировой науки и техники по всем отраслям. Таким образом, иностранный язык, интегрируясь с техническими науками и материальным производством, становится своего рода «производительной силой».

Поэтому, владение специалистами иностранным языком, умение читать научно-техническую литературу, извлекать из них максимальную и точную информацию можно рассматривать как экономическую категорию и важный резерв ускорения социально-экономического развития общества.

На примере Навоинского промышленного региона, форпоста горной промышленности республики Узбекистан, можно убедиться в последовательном претворении в жизнь сотрудничества с иностранными государствами. Будучи перспективным горнорудным центром страны, нашему региону нужны высококвалифицированные специалисты горного производства, способные и впредь углублять разносторонние контакты с ведущими горными предприятиями мира, ведь сегодня Навоийский ГМК своим стабильно развивающимся производством по праву обрел статус международного партнера. На уровне руководства страны приоритетной сферой для привлечений инвестиций и передовых технологий названа горнодобывающая отрасль, сконцентрированная в основном в пустыне Кызылкум. Комбинат плодотворно работает со многими компаниями, представляющими практически всю планету. Установлены прочные деловые отношения на долговременной основе с такими известными всему деловому миру фирмами, как «Шелл», «Нукем», «Катерпиллар», «Мицубиси», «Хитачи» и др. Стало очевидным, что без знания иностранного языка горными специалистами нашего перспективного региона невозможно достичь предполагаемых результатов. Разноплановая продукция Навоийского ГМК, соответствующая мировым стандартам, способствует признанию нашей страны на мировом рынке, и уже комбинат, как достойный партнер, достиг такого уровня, что продает за рубеж свои новые технологии по горным направлениям.

Имея знающих специалистов, комбинат самостоятельно налаживает прямые связи с зарубежными партнерами, проводит совместную научно-исследовательскую работу, обмен специалистами, научно-технической документацией и т.д.

В целях обеспечения приоритетного развития горно-металлургического комплекса и подготовки кадров высокой квалификации для добывающей и перерабатывающей промышленности республики Указом Президента Узбекистана от 7 июля 1995 года был создан Навоийский Государственный горный институт. Перспективы института в решающей степени определяются качеством подготовки специалистов. От решения этой кардинальной задачи будет зависеть и уровень производства, где они будут работать.

Программа высшего образования для технических вузов предусматривает подготовку студентов для беседы на иностранном языке по определенной тематике, чтения текстов различных жанров, работы с технической литературой. Так называемый технический перевод должен занимать особое место в изучении иностранного языка в техническом высшем учебном заведении, основной целью которого является формирование практических умений и навыков перевода научно-технической литературы.

Чтобы определить значение иностранного языка, как учебного предмета, нужно хорошо осознать:

1. Что получает общество, страна, если ее граждане владеют иностранным языком?

2. Что дает процесс овладения иностранным языком человеку, а через него - обществу?

Иностранному языку осознания сегодня как фактор «социально-экономического, научно-технического прогресса общества». Поэтому он, как учебный предмет, служит развитию личности, в частности, профессиональному становлению будущего горного специалиста.

Однако, уместно отметить, что отведенное количество часов по иностранному языку в технических вузах, коим является и наш институт, не позволяет говорить о широких возможностях для реализации практической цели обучения, включая иноязычное общение. Поэтому, в имеющихся условиях обучения приходится конкретизировать его цели, использовать такие дополнительные резервы как факультативы, кружки и прочие внеучебные занятия.

На наш взгляд, для привития возможностей в профессиональной деятельности будущего инженера необходимо наметить ряд конкретных задач, решаемых средствами иностранного языка и направить их на профессиональное становление будущего горного специалиста. К таким задачам относятся: развитие индивидуальных способностей студентов путем совершенствования памяти, мышления; расширение общеобразовательного кругозора через ознакомление с культурно-научными ценностями страны изучаемого языка, с достижениями в различных областях науки и техники, в нашем случае, с достижениями в горной отрасли на примере деятельности НГМК, совместного узбекско-американского горного предприятия «Зарафшан - Ньюмонт» и др.; совершенствование в работе с книгой, словарем, справочной литературой; пользование инструкциями по эксплуатации горного и другого оборудования; выполнение различных видов технического перевода, формирование у студентов специфических коммуникативных возможностей использования различных интерактивных методов, таких как учебные ситуации, дискуссии и т.д.



Информация

ДРЕВНЕЙШИЕ СТРАНИЦЫ ИСТОРИИ ГОРНОГО ДЕЛА В СРЕДНЕЙ АЗИИ

УДК 622.0

© Каршиев Р.М., Сариев Н.Т. 2004 г.

Каршиев Р.М., проректор по духовности и просветительству НГГИ, канд. ист. наук,
Сариев Н.Т., ст. преподаватель каф. «Гуманитарные науки» НГГИ

Бесконечно разнообразны природные богатства нашей Республики и других Среднеазиатских Республик. История открытия и добычи многих полезных ископаемых насчитывает несколько тысяч лет.

